**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

Ўсимликшунослик кафедраси

5620200 – Агрономия (дала экинлари бўйича) йўналиши
бакалавриат 4-45 гуруҳ талабаси

**Қўшбоқов Тўлқинжон Холдонбек ўғлининг**

**Мавзу: Ғўзанинг "Омад" навининг ҳосилдорлигига кўчат қалинлигининг таъсири**

**Илмий раҳбар:**
Ўсимликшунослик кафедраси
Доцент Р.Ишчанов

Иш кўриб чиқилди
ва ҳимояга қўйилди:

| | | |
|---|---|---|
| Ўсимликшунослик кафедраси мудири, доцент ___________________И.Исраилов «______»___________2014 йил | | Агрономия факультети декани, доцент ______________ Х.Алланов «______»____________2014 йил |

**Тошкент – 2014 йил**

| | | |
|---|---|---|
| | МУНДАРИЖА | |

| | | |
|---|---|---|
| | Кириш | 3 |
| I боб | АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ | 7- |
| II боб | Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ва объектлари | 24- |
| 2.1 | Омад-ғўза навининг таърифи | 24- |
| 2.2. | Омад ғўза навининг кўчат қалинлиги | 25- |
| III боб | АСОСИЙ ҚИСМ | 27 |
| 3.1. | Майса пайдо бўлиши ва ўсимлик қалинлиги | 27 |
| 3.2. | Ғўза навининг поя баландлиги | 27 |
| 3.3. | Ғўза навида гуллаш ва пишиш муддатларини ўтиши.. | 30- |
| 3.4. | Биринчи ҳосил шохларининг жойлашиш баландлиги ўсув, ҳосил шохлари ва кўсаклар сони | 35 |
| 3.5. | Ғўза навининг ҳосилдорлиги | 38 |
| 3.6. | Ғўза навида кўчат қалинлигининг ҳосилдорлик ва тола сифатига боғлиқлиги | 40 |
| **IV.** | Тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги. | 45 |
| | Хулоса | 49 |
| | Фойдаланилган адабиётлар | 51 |
| | Илова | 57 |


## КИРИШ

Республикамиз Президентининг "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора- тадбирлари" тўғрисидаги фармонида (2007 ) пахтачиликни ривожлантиришга жуда катта аҳамият берилди.

Ўзбекистонда пахтачилик асосий  тармоқлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам республикамиз миқёсида пахтачилик унинг селекция ва уруғчилиги яхши йўлга қўйиш, янги тезпишар, серҳосил, ҳамда тола сифатини оширишни механизациялашни тўғри йўлга қўйиш  бу борада ўз имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда хорижий давлатлар технологиясидан кенг фойдаланишга киришилди**.** [**1**]2013 йил 18 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг асосий устувор вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маьруза қилди.

Президенти Ислом Каримов шуларни гапириб ўтдики, ўтган 2012 йилда мамлакатимиз аграр секторининг деярли барча тармоқларида улкан ютуқ ва натижалар қўлга киритилди. Албатта, 2012 йилда ҳам, сўнги йиллардаги каби, янги мавсумга тайёргарлик кўриш даврида ёғингарчилик кўп бўлгани, ёз фаслида ҳаво ҳароратининг ҳаддан зиёд ошиб кетгани қишлок хўжалик ишларини амалга оширишда жиддий муаммо ва қийинчиликларни юзага келтирди.

И.А.Каримовнинг маърузасида 2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2,3 баробар кўпайди. Ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш 6,8 % га ўсганли айтилди. Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалик экинларини тўғри туманлаштириш туфайли энг муҳим хом-ашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди. Ғалла етиштириш 2000 йилдагига нисбатан ошди. Жами ғалла ҳосили эса 7 млн 800 минг тоннани ташкил этди.3 млн 360 минг тоннадан ортиқ пахта хом- ашёси етказиб берилди.[1.2]

Ўзбекистон пахта толаси экспортининг қарийб 85 фоизи Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари енгил саноатига етказиб берилади. Молиявий инқирознинг мазкур мамлакатларга салбий таъсири, ўз навбатида, республикамиз пахта экспортининг пасайишига олиб келиши мумкин. Ваҳоланки, пахта толаси ва металлар республика экспорти таркибида сезиларли салмоқни ташкил этади [1].

Қонунчиликка асосланган халқпарвар давлат ва адолатли жамият қуриш жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Халқ хўжалигининг барча тармоқларини замон талаби даражасида янги шакллар барпо этилиб, ишлаб чиқариш муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатловчи қонунлар яратилмоқда ва ҳаётга жорий этилмоқда. Жумладан шуни алоҳида таъкидлаш лозимки 1996 йил 29 августдаги «Уруғчилик тўғрисида» 1996 йил 30 августда Селекция ютуқлари тўғрисидаги (2002) қонунларни матбуотда эълон қилиниши ва амалга киритилиши жуда муҳим воқеа бўлди. [6].

Қишлоқ хўжалиги учун сарфланаётган ички ва ташқи инвестция харажатлари етиштирилган маҳсулот ҳисобига қопланиши ва қишлоқ аҳолиси учун даромад манбаи бўлиши керак . Бу мақсадга эришиш учун албатта самарали технологиянинг қишлоқ хўжалигига кириб келиши билан боғлиқ. Самарали технологиялар таркиби кам суғориш, кам техника ҳаражати, кам уруғлик сарфлаш усуллари ва бошқалар ташкил этади. Уруғлик чигитнинг ҳар бир килограмми 2000 сўм атрофида, агар элита уруғлиги бўлса 150 % юқори ҳисобланиши мумкин. Шунинг учун ҳам уруғлик сарф харажатларни такомиллашган иқтисодий барқарорлаштириш учун кўчат қалинлигини оптимал меъёрларига экиш керак. Чигит сарфининг оптимал меъёрларини аниқлаш учун туманлаштирилаётган навлар учун ҳар хил кўчат қалинлиги вариантлари, тажрибалари ёки олимлар тавсияномаларини чуқур ўрганиб эришиш керак.

Ўзбекистон иқлим шароити тупроқ хусусиятлари, ер тузилиши, хўжалик ишлаб чиқариши ва саноат талабларига янада тўлароқ жавоб берадиган серҳосил, тезпишар, касалликка чидамли, тола чиқиши ва тола сифати юқори бўлган навлар етиштириш борасида илмий амалий ишлар қизғин давом этмоқда. Пахта ҳосилдорлигини оширишни асосий омилларидан бири ҳар бир ўсимликни ўзига хос биологик хусусиятларини тўлиқ тўғри ва тўла қўллашдир. Пахтакор хўжаликларига экиш учун тавсия қилинган туманлаштирилган ғўза навларидан ҳар жиҳатдан устун, яхши навлар етиштириб, уларни ўзига хос хусусиятлари ва етиштириш агротехникасини ўрганиш фикримиз заминидир.

Омад-6 ғўза навида уларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига ва кўчат қалинлиги ўрганишни мақсад қилиб қўйганман..

Ҳозирги кунда Республикамизда пахтанинг 20 тадан ортиқ ўрта толали навлари районлаштирилган. Бу навлар бир-биридан ҳосилдорлиги, тезпишарлиги, шўрга чидамлилиги ва вилт билан зарарланиши бўйича фарқ қилади. Бу навларнинг ҳосилдорлигини оширишда, тезпишарлигини оширишда, тезпишарлиги ҳамда тола сифатини яхшилашда сув ва озиқа элементларини ўз вақтида ғўзанинг ўсиши, ривожланиши даврига қараб ишлатиш, тавсия этилади [5].

Ҳар бир навнинг ҳосилдорлиги ва сифат кўрсатгичлари аввало илмий жиҳатдан асосланган юқори сифатли замонавий агротехникага риоя қилишга, ҳамда уларнинг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тегишли тадбирлар қўллашга боғлиқдир. Янги яратилган ва районлаштирилган ғўза навлари учун мақбул бўлган нормадаги суғориш ва озуқа ҳамда кўчат қалинлигини аниқлаш умумий агротехникада муҳим ўрин тутади. Чунки ғўзанинг у ёки бу нави ташқи муҳитга бўлган талабига кўра бир-биридан фарқ қилади. Пахтачилик мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигининг муҳим соҳаларидан Ўзбекистонда эса асосий тармоқлардан бири ҳисобланади. Шу туфайли ҳам ҳукуматимиз пахтачиликни интенсив технология, Фан ва тахника ютуқлари асосида юксалтиришга катта аҳамият бермоқда. [2].

Ер сув бебаҳо бойлигимиз бўлганлиги сабабли уларни асраб, тежаб тергаб фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлганлиги сабабли, [7] экин майдонини оширмай туриб тупроқ, иқлим, сифатли нав учун мақбул кўчат қалинлигини танлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ғўзанинг ҳосилдорлиги ва асосий маҳсулоти бўлган тола сифатига эришиш ҳам самарали технология асосини ташкил этади. Бу икки кўрсаткичларга эришиш учун авваломбор навларда оптимал кўчат қалинлиги белгилиш катта аҳамиятга эга.

## I АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Республикамизнинг асосий суғориладиган ер ресурсининг ғўза майдонларига тўғри келиши ва меҳнат ресурслари ҳамда сарф харажатларнинг катта қисми шу соҳага сарфланишини эътиборга олиб давлатимиз Президенти мустақиллигимизнинг бошланғич йиллардан бошлаб қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, самарали пахта етиштириш технологияларини яратишга катта эътибор берди

. Ш.Тешаев, Ф.Ҳасанова, Б.Ниёзалиев, О.Синдаровларнинг [2011] ёзишларича, ғўзани яганалаш ва кўчат қалинлигини белгилашда қуйидагиларга эьтибор қаратиш мақсадга мувофиқ:-унумдор тупроқларда ғўзанинг С-6524, С-4727, Андижон-35, Андижон-37, Меҳнат, Султон навларида гектарига 90-100, Наманган-77, Андижон-36, Хоразм-127, Наманган-34 навларида гектарига 110-120 минг туп кўчат қолдирилади. Унумдорлиги ўрта ва паст ерларда юқоридаги кўрсаткичларга мос равишда гектарига 15-20 минг туп кўчат қолдириш мақсадга мувофиқ.Тупроқ унумдорлиги юқори бўлган ҳудудларда Бухоро-6 навида 90-95, Бухоро-102 навида 80-90, Бухоро-8 навида 100-110 минг туп/га қолдириш тавсия этилади. Бухоро-102 ғўза нави кучли шохланиб ўсганлиги боис тупроқ шароитига қараб, унумдорлик ўртача бўлганда 90-95,унумдорлик паст ерларда 110, Бухоро-6 ва Бухоро-8 ғўза навлари учун мос ҳолда 100-120 минг туп/га кўчат қолдириш

мумкин. Механик таркиби қумоқ, унумдорлиги паст ерларда Бухоро-6 навида гектарига 110-120 ва Бухоро-8 навида 120-130 минг туп кўчат қолдириш керак.

Юқори даражада шўрланган ерларда яганалаш пайтида 10-15% кўпроқ кўчат қолдириш лозим. Чунки вегетация даврида тузларнинг юзага кўтарилиши оқибатида тахминан шунча кўчат нобуд бўлиши мумкин.

Р.Назаров, Ш.Тешаев, Ф.Ҳасановаларнинг [2010] ёзишларича, яганалашдан 7-8 кундан сўнг кўчат қалинлиги яна бир бор текширилиб, қалин қолган, кейин унган ниҳоллар юлиб ташланади. Ғўзани яганалашда ўлчов таёқчаларидан фойдаланиш яхши самара беради. Бу муҳим тадбирни тупроқ-иқлим шароити, ғўза навларининг биологик хусусиятлари ва бошқа омиллардан келиб чиқиб қуйидаги тавсиялар асосида олиб бориш мақсадга мувофиқдир:

Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида экилган С-6524 ва С-6541 ғўза навларининг биологик хусусиятлари ва тупроқ унумдорлигидан келиб чиқиб, шунингдек, “Бухоро-102” ғўза навида 90-100, тупроқ унумдорлиги юқори бўлган ҳудудларда эса 90-95 минг туп кўчат қолдириш мақсадга мувофиқ. Бу ғўза нави кучли шохланиб ўсганлиги сабабли тупроқ шароитига қараб, тупроқ унумдорлиги паст, шамол ва гармсел кучли бўладиган чўл ҳудудларида гектарига 100-110 минг туп кўчат қолдириш яхши самара беради.

Ш.Кўзибоев, Ф.Абдуллаевларнинг [2010] ёзишларича, эртаги ва юқори ҳосил етиштириш учун ҳар гектар майдонда мақбул кўчат қалинлиги таьминланиши зарур. Кўчатлар сони навга хос миқдордан кам бўлса, кўсакларнинг пишиб етилиши кечикади. Кўчат сони меьёридан кўп бўлса ҳам ҳосилдорлик камаяди. Кўчат қалинлиги тупроқ тури, унумдорлиги сизот сувларининг жойлашиши ва шўрланиш даражасига қараб белгиланади.

“Ўнкўрғон-1” нави учун унумдор тупроқ шароитида кўчат қалинлиги гектарига 95-100 минг туп, оч бўз тупроқларда, шунингдек, шўрланган ерларда 100-110 минг кўчатни ташкил этади. Қатор ораси 60см бўлганда 60x10x1-2, 90см бўлганда 90x12x1-2 ўсимлик қолдирилади.

Р.Назаров, Ф.Ҳасановаларнинг [2007] ёзишларича, кўчат қалинлиги навнинг биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда қуйидагича:

-унумдорлиги паст, механик таркиби енгил тупроқларда ўртапишар 1-1,5 типда

шохланувчи ва бақувват ўсадиган навларни гектарига 100-110 минг туп; тезпишар, кам шохланувчи ва паст ўсадиган навларни гектарига 110-120 минг туп;-унумдорлиги, механик таркиби ўрта тупроқларда ўртапишар, 1-1,5типда шохланувчи ва бақувват ўсадиган навларни 90-100 минг туп;-тезпишар, кам шохланувчи ва паст ўсадиган ғўза навларини гектарига 100-110 минг туп;-унумдорлиги юқори, механик таркиби оғир тупроқларда ўртапишар 1-1,5 типда шохланувчи ва бақувват ўсадиган навларни гектарига 80-90 минг туп;-тезпишар, кам шохланувчи ва паст ўсадиган ғўза навларини гектарига 90-100 минг туп қилиб белгилаш мақсадга мувофикдир.

Ш.Тешаевнинг[2007] ёзишича, жорий йилда республикада асосий майдонларга тезпишар С-4727, Окдарё-6 ва Омад ҳамда ўртапишар Бухоро-6 ва Бухоро-102 ғўза навлари жойлаштирилиб, яганалашни ғўза ниҳолларида 1-2 чинбарг чиқарганда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

М.Тожиев ва бошқаларнинг [2003] ёзишларича, ўрта толали ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш мақсадида кўчат қалинлиги унумдор тупроқларга 80 минг/га, ўртача унумдор тупроқларга 90-100 минг/га ва кам унумли тупроқларга 110-120минг/га, ингичка толали ғўза навлари учун унумдор тупроқларга 120 минг/га, унумдорлик даражаси ўртача тупроқларга 130-140 минг/га ва кам унумли, енгил тупроқларга эса 150-160 минг/га бўлиши тавсия этилади

Ўтган асрнинг 80 йилларида ғўза ўстириш агротехник тадбирлари комплексида ягоналаш ўта муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Чунки пахта далаларидан юқори ҳосил етиштириш учун ҳар бир ер ҳисобига оптимал кўчат қалинлиги барпо қилиш учун кўкариб чиққан чигит ўсимталари ягана қилинади. (Б.Сангинов ва бошқалар, 1983; О.Якубжонов, 1984; Э.Т.Шайхов ва бошқалар, 1990)

Ягана қилинганда хўжалик тупроқ шароити ва агротехника тадбирларининг турлари ҳисобга олиниб маълум кўчат сони қолдириб бажарилади. Тупроқ шароитини ҳисобга олганда: яйлов, зах сувлар чуқурлиги 2-3 метр бўлса гектарига 110-120 минг, зах сувнинг чуқурлиги 8-10 метр бўлса ва тупроқ шўр бўлса гектарига 120-130 минг, енгил, қум тупроқли ерда 130-140 минг, юқориги ҳолатларда ингичка толали ғўза қалинлиги тегишлича: 130-140, 140-150

ва 160-170 минг гектарига (Н.Ф.Беспалов ва бошқалар, 1988; Р.Ачилдиев, 1968; Н.Ачилов, 1981)

О.Якубжонов (1984) илмий ишида бизга яқин бўлган Пахтачилик илмий ишлаб чиқариш институти экспериментал хўжалигида Тошкент-1 навининг ўсимликларини тор ва кенг (60-90 см) қаторларда гектарига 100,150, 200 минг/га кўчат қолдирилган ҳолатда ягана қилиб ўсимликлар ривожини ва морфологик ўзгаришларини ўрганди, тажриба натижасининг кўрсатишича иккинчи вариантда (150 минг/га) ўсимликлар ёппасига гуллай бошланган даврда қаторлардаги ўсимликлар сиқилиб бошланди. Бу қаторлардан намликнинг буғланиб кетишини камайтирди. Аммо, ўсимликларда фотоситез фаоллиги камайди. [15]

Ғўзани яганалаш энг зарур ва кечиктириб бўлмайдиган агротехник тадбирлардан биридир. У қанча кеч ўтказилса, тупроқдаги озиқ моддалар ва нам шунча кўп исроф бўлади ва бу ғўзанинг бундан кейинги ривожланишига салбий таъсир қилади. Масалан, ЎзПИТИ (пахтачилик илмий тадқиқот институти ) маълумотларига қараганда, бир гектар ерга 100 килограмм ҳисобида чигит сарфлаб, 100 минг туп кўчат қолдириш учун яганалаш вақтида юлиб ташланган ғўза билан бирга тупроқдан 6-10 кг азот, 1-2 кг фосфор ва 4-6 кг калий чиқиб кетади. (А.И.Автономов ва бошқалар,1967) Дастлаб уялар оралиғи яқин қилиб экилган далалардаги ғўзаларни яганалаш керак. Бунинг сабаби шундаки уялардаги ғўзалар ниҳоллари зич жойлашган бўлади ва улар бир-бирини қисиб қўяди. Бунга йўл қўймаслик учун яганалашни чигит тўла униб чиққандан ва биринчи чинбарг чиқаришга қадар тугаллаш лозим

Илғор пахтачилик хўжаликларидан олинган маълумотлар яганалашни 8-10 кунда тугаллаш яхши самара беришини исботлашган. Борди-ю ғўза илдиз чириш касаллигига чалинганлиги ёки кўп миқдорда кузги тунлам, шира ва трипс тушганлиги сезилса, шунингдек , об-ҳаво шароити жуда ноқулай бўлса, одатда пайкалларда кўчат нормал қалинликда бўлишини таъминлаш мақсадида бу тадбирни бир неча кун кечиктириш лозим. Бундай ҳолда яганалашни ғўза 2-3 та чинбарг чиқарган пайтда бошлаш лозим.

Кўпчилик илмий-тадқиқот муассасаларида ўтказилган тажрибаларида ва ишлаб чиқаришда исботланганки, ғўзани ягана қилинганда қаторлардаги

уяларнинг оралиғини кенгроқ қилиб биттадан ўсимликлар қолдирилса яхши самара беради.

Ғўза ўсимлигининг ҳосилдорлигини кўрсатувчи визуал белгилардан бири-бир дона ўсимликдаги кўсаклар сони ва ҳар бир чаноқдан олинадиган пахта оғирлигидир. Илмий изланишларнинг кўрсатишича, маълум бир кўчат қалинлигига эришиш учун бўлган тадбир – яганалаш ўз вақтида ўтказишнинг аҳамияти катта экан.

А.Чўллиев, Н.Шарафуддиновларнинг [2011] ёзишларича, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида "Бухоро-102" ғўза навининг мақбул кўчат қалинлигини аниқлаш ва унинг ҳосилдорликка таьсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борган. Бунда "Бухоро-102" ғўза нави кўчати 70-80, 80-90; 90-100; 100-110; 110-120 ва 120-130 минг/га қолдириб парваришланди. Олиб борилган махсус кузатув натижаларидан шу нарса намоён бўлдики, ғўза нави кўчат қалинлигига боғлик ҳолда турлича ўсиб ривожланди. Чунончи, 1 сентябрь ҳолатида ўсимлик бўйи 70-80 минг/га кўчат қолдирилган вариантда 99,4 см, 80-90 минг/га қолдирилганда 101,4 см, 100-110 минг/га қолдирилганда 103,5 см, 110-120 минг/га қолдирилса 97,9 см ва 120-130 минг қолдирилганда эса 97,4 см ни ташкил этди. Аҳамият берилса кўчат қалинлиги 90-100, 100-110 минг/га қолдирилган вариантда ўсимлик бўйи бироз баландроқ бўлганлиги кузатилиб, кўсаклар сони мос равишда 10,1-9,4 донага тенг бўлди. Кўчат қалинлиги янада оширилган, яьни 110-120, 120-130 минг/га қолдирилган вариантларда пахта ҳосили мос равишда 35,8-35,3 ц/га ни ташкил этиб, бу вариантларда ҳам ҳосилдорлик кўчатларнинг ҳаддан ташқари зиёдлиги туфайли ўсимликка озуқалар етишмаслиги сабабли бироз камроқ бўлди.

Демак, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида "Бухоро-102" ғўза навини парваришлаш учун мақбул кўчат қалинлиги 90-100 ёки 100-110 минг/га қолдириш мақсадга мувофик.

Р.Исаев ва бошқаларнинг [2009] ёзишларича, дала тажрибаси 5 вариантдан иборат бўлиб, 60-80-100-120-140 минг туп кўчатнинг уруғлик пахта ҳосили ва чигит сифатига таьсири ўрганилди. Тажрибада кенг майдонларга экилаётган С-6524 ғўза нави қўлланилди.

Кўчат қалинлиги ғўзанинг ўсиш ва ривожланишига катта таьсир кўрсатди. Кўчат 60 минг туп атрофида бўлганда август ойининг охирига келиб бош поянинг бўйи 105 см, ҳосил шохлар сони 17 та, бир туп ғўзадаги кўсак 13,3 донани ташкил этди. Кўчат сони кўпайиб бориши билан ғўзанинг бўйи, ҳосил шохи ва кўсак сони камайиб боради. Масалан, бир гектар ерда 140 минг туп атрофида кўчат колдирилган пайкалларда (бўлакчаларда),
бу муҳим кўрсаткичлар анча паст бўлди: Ғўзанинг бўйи – 92см, ҳосил шохлар сони -13,6 дона, кўсаклар сони -8,9 донани ташкил этди холос.

Кўчат сони сийрак бўлган бўлакчалардаги ғўза, қалин қолдирилган ғўзаларга нисбатан кўзга яқинроқ бўлиб, ҳосили юқорирок бўлиб кўринади. 120-140 минг туп кўчат қолдирилган пайкалдаги ғўзалар эса паст бўйли, кам кўсак бўлиб визуал қарашда кам ҳосил бўлиб туюлади.

Амалда бунинг тескариси бўлиб чиқади. Кўчат сони кўпроқ бўлган бўлакчаларда ҳосил юқори бўлади. Кўчат сони 60 минг туп бўлганда Ҳосилдорлик 38,9ц/га, 80 минг туп бўлганда 41,1ц/га, 100 минг тупда 44,1 центнерни, яьни энг сийрак ва қалин қолдирилган кўчатлар орасидаги фарқ 5,2 ц/га ни ташкил этди.

И.Бўриевнинг [2012] ёзишича, кўчат қалинликлари ортган сари бир ўсимликнинг кўсаклар сони камаяди. Кўчат қалинлиги жуда ҳам юқори бўлганда умуман кўсаксиз ғўзалар ҳам учрайди. Мана шу ҳолатнинг мақбул вариантини ташкил қилиш keракки, пахта ҳосилга салбий таьсир кўрсатмасин. 2006-2008 йиллари Қашқадарё вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида Ғузор туманидаги фермер хўжаликларида ўрта толали “Наманган-77”, “Бухоро-6”, С-6530 ва “Меҳр” ғўза навларининг мақбул кўчат қалинликларини аниқлаш мақсадида дала тажрибалари олиб борган..

Ғўза навларининг кўчат қалинликларига боғлик ҳолда ҳосилдорлик маьлумотлари келтирилган. Кўчат қалинлиги 90 минг/га бўлганда “Наманган-77” навининг ўртача пахта ҳосили 35,6 ц/га ни ташкил этди. “Бухоро-6” да 35,0 С-6530 да 34,0 ва “Меҳр” навида эса 36,0ц/га га тенг бўлди. Ғўза навлари орасида нисбатан камрок пахта ҳосили (34ц/га) С-6530 навида кузатилди.

Таькидлаш жоизки, навларининг ўсиш ва ривожланишдаги кўрсаткичлари кўчат қалинликлари 90 минг/га дан 120 минг/га ортиши билан ҳосилдорлик

кўпайганлиги аниқланди.“Наманган-77” да бу кўрсатгич 0,7; “Бухоро-6” да 3,2; С-6530 да 3,4; “Меҳр” навида 2,0 ц/га га ортди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Қашқадарёнинг типик бўз тупроқлари шароитида “Наманган-77”, “Бухоро-6”, С-6524 ва “Меҳр” ғўза навларининг ўсиш ва ривожланиш учун мақбул шароит кўчат қалинлиги 90 минг/га бўлганда кузатилса ҳам, лекин пахта ҳосили нисбатан кўчат қалинлиги 120 минг/га бўлганда юқори бўлди.

М.Истомин, А.Авлиёкулов, Б.Хафизовларнинг [2006] ёзишларича, чигит экиш меьёрлари: туксизлантирилган чигитлар учун 25-30 кг/га, 12-14 кг/га дан ошмаслиги керак: бунда экиш 60х12х1; 60х20х1-2; 90х10х1 схемада ўтказилиб, кўчат қалинлиги 100-120 минг туп атрофида қолдирилиши юқори сифатли ҳосил олишни таьминлайди.

Ш.Тешаев ва бошқаларнинг [2012] ёзишларича, яганалашни қуйидаги тавсиялар асосида ўтказиш тавсия этилади: Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида С-6524, Наманган-77, АН-Боёвут-2, С-6541 ва Омад ғўза навларида унумдор тупроқларда 90 см қатор оралиғида 1 метрда 8-9 , 60 см қатор оралиғида 1 метрда 5-6 туп ниҳол қолдирилди. Ўртача унумдор тупроқларда гектарига 100-110 минг туп кўчат Ҳосил қилиши учун, қатор ораси 90 см бўлганда бир метрда 9-10, қатор ораси 60 см бўлганда бир метрда 6-7 туп ниҳол қолдирилди.

Қалин қолдирилган экинларда ғўзанинг морфологик ўзгаришларини текшириб М.Назаров, А.Хасанов, О.Иброҳимов [1984] томонларидан аниқланишича, ўсимликларнинг кўчат қалинлиги гектарига 133 минг дан ортиқ бўлса бош поя баландлиги, ҳосил шохларнинг сони ва уларнинг узунлиги, барглар сатҳининг майдони камаяди, ҳам ўсувчи, ҳам генератив органларининг ривожланиши сусаяди.

Б.Сангинов ва бошқаларнинг (1983) илмий изланишлари натижасига қараганда, ингичка толали 8386-В навини бир чаноқдан олинадиган пахтасининг энг йирик оғирлиги (3,4г) яганалаш натижасида қолдирилган 80 минг /га қалинликда ривожланган. Худди шундай мисолни биз хоразмлик илғор пахтакор Тура Рахимов (1986 ) ишлаб чиқариш тажрибасида ҳам кўришимиз мумкин.

Унинг таклифича, майсалар кўзга ташланиши биланоқ биринчи культивация озиқлаш билан бирга қилиниб, яганалаш бошланади. Хоразм шароити амалиётида ҳар 17-20 смда биттадан ўсимлик қолдирилади. Бундан ташқари тўла гектар бўлишини таъминлаш зарур. Натижада , гектарига 80 минг туп атрофида ўсимлик бўлишига эришилади. Ана шу кўчат қалинлигини вегетатция даври охиригача сақлаб қолиниб, ҳар бир туп ғўзада 15 тадан кўсак тугилишига эришилади, йил охирида, гектарига 60 центнердан ҳосил тўпланади. Худди шу кўчат қалинлигига эришиш (80 минг) услубининг энг кўп ҳосил элементлари тўплашдаги ўрнини беқиёслигини илғор пахтакор ҳам маъқуллаган. [13]

Гектарига маълум бир керакли ўсимлик сони қолдирилиши учун экилаётган навнинг шохланиш габитуси (кенглиги) ҳам катта роль ўйнар экан. Ш.Ибрагимов, Г.Ахмедов, Б.Тиллабековларнинг (1995) Фарғона водийси Ёзёвон тумани “Навоий ”ширкат хўжалигигида олиб борган илмий изланишлари бунга мисол бўла олади. Тадқиқотчилар бу туман тупроқ шароитида ғўзанинг С-9070, С-6524 ва Наманган-*77 навларини қатор оралиғини 90 ва 60 смда экиб, уч йил мобайнида яганалашда гектарига 106-108 минг туп қолдириб ўрганадилар. Бу изланишларда маълум бўлишича, 1990 йил шароитида С-6524 нави гектарига 108 минг ўсимлик қолдириб ягана қилинганда , 1 сентябрда бош поянинг баландлиги 80 см , ҳосил шохлари 13,2 ва ҳосил элементлари 13,3 та ва кўсаклар сони 6,4 донани ташкил этган ҳолда , С-9070 навида бу кўрсаткичлар: 63,5 см; 12,8; 14.6 ва 7,3 донани ташкил этди. Омад навида бу ягана ҳолатида бош поянинг баландлиги бирмунча пастроқ бўлса ҳам, кўсаклар сони бўйича С-6524 навидан 1,6 донага ва С-9070 навига нисбатан эса 0,7 дона кўпроқ бўлди.

М.М.Якубов ва бошқаларнинг (2000) таъкидлашича, ғўза ниҳолларини яганалашни ниҳоллар тўлиқ униб чиққандан бошлаб 1 та 2 та чин барг пайдо бўлишгача тугаллаш лозим. Яганалаш кечиктирилса ғўзанинг ўсиш, ривожланиши ва ҳосилдорлигига тааллуқли барча кўрсаткичлар пасайиб кетади, чунки яганалаш чўзилиб кетса ғўза ниҳоллари ўзлари билан биргаликда озиқа моддаларини кўпроқ микдорда олиб чиқиб кетади.Яганалаш муддати ҳар бир хўжалик учун ўз шароити, экиш услуби, қатор оралиғи, нав тури , касаллик ва ҳашаротларга чалинганлик даражасига қараб белгиланади. [16]

Тадқиқотчилар А.Авлиёқулов ва бошқаларнинг (2003) маълумотларига қараганда, ғўзани Бухоро-6 ғўза навини 60х12х1, 60х20х1-2, 90х10х1 схемада экиб гектарига 80-100 минг туп кўчат қолдирилиб, юқори агротехника асосида парвариш қилиш натижасида иқлим шароитига қараб ҳосилдорлик 38,5-51,7 ц/га бўлганлигини аниқлашган [15]

С.Останов (1999) таъкидлашича 100-110 ва 160-170 минг туп кўчат бўлганда очиқда ва плёнка остида ўстирилганда асосий поянинг бўйи 78,2-79,5 см кўсаклар сони 2,8-3,1 дона плёнка остида эса 89,3-90,3 см ва 3,3-3,4 донани ташкил этади.

Б.Алеев, О.Иброхимовларнинг таъкидлашларича Оқ- олтин навини 90 см схемада экилганда 1п. /метрда 8-10 та дан, 60 см схемада эса 6-7 та дан кўчат қолдириш маъқул экан. [10]

С.Содиқов, В.Никольский ва П.Язиковларнинг текширишларига қараганда (1957) Андижон ва Фарғона вилоятлари хўжаликларида уядаги ўсимликлар ғуж қилиб жойлаштирилганда, ҳар бир уядаги ўрта ҳисобда 17-19 улар бир биридан 4-5 см очиқ жойлаштирилганда 19-22 тадан кўсак ҳосил бўлганлиги аниқланган.

О.Иброҳимов (1988) ғўза яхши ривожланган, сизот сувлари юза жойлашган, серунум ўтлоқи ва ўтлоқи ботқоқ тупроқларда ҳар гектар ерда 108-Ф, Ан-Баявут–2, Оқ-Олтин, Ан-Ўзбекистон-3, С-4727 навларида 90-100 минг туп серунум, типик ва оч тусли бўз тупроқли ерларда 100-110 минг туп, унумдорлиги паст тупроқларда 120-140 минг тагача кўчат қолдириш исботланган. Бундан ташқари навнинг биологик ва морфологик хусусиятларига қараб тарвақайлаб ўсадиган Андижон-9, Уйчи-2 навлари учун эса 75-90 минг туп кўчат қолдириш мақсадга мувофиқ экан. [11]

Американинг 6 млн $ га эга бўлган пахта саноати 35 минг бизнес корхоналарини ўз ичига олади ва 170 минг ходимни иш билан таъминлайди. Дунё статискаси бўйича Америка, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Бразилия,Ўзбекистон,Туркия, Австралия бутун пахтанинг 70 % ни ишлаб чиқаради. Америка пахтани 60% ни ўзида қайта ишлайди. [4]

Толанинг асосий қисмини унда йиғиладиган целлюлоза ташкил этади.Г.Муратовнинг (2007) маълумотларига қараганда 8-9-ҳосил шохларидан

очилган кўсаклардан териб олинган  пахтада целлюлоза ҳажми 2-3– симподияларнинг пахтасига нисбатан кам бўлган. Шунинг учун ҳам  толанинг сифат кўрсаткичлари 2-3 – ҳосил шохларидан териб олинган пахталарда юқори бўлади. [49]

М.П.Меднисниг (1953, 1955) таъкидлашича, шоналашгача ҳар хил кўчат қалинлигида ғўза деярли сезиларсиз ўзгариб ривожланади, лекин гуллаш даврида қалинлаштирилган экинларда бош поя баландлиги ва симподиал шохларнинг сони камаяди. Мева тугиш даврида вариантлар орасидаги фарқлар янада кескинроқ ифодаланади. Қалинлаштирилган экинларда – битта ўсимликнинг қуруқ массаси ва  барглар сатҳи майдони кучли равишда пасаяади.

М.С.Истомин ва Р.Р.Ачильдиевларнинг (1967) аниқлашларича, энг юқори пахта ҳосилини 1509-И нави бўйича, толасининг сифати юқори ва ўсимликларнинг вилт билан зарарланиши паст бўлиб қолганда, ҳосилни териш олдидан кўчат қалинлигини  гектарига 130 минг тупдан кам бўлмаган ҳолда 60х15-2, 60х30-2, 60х30-3-4 схемаларида олиш мумкин. .

П.П.Язиков, М.К.Александров, В.В.Никольский, Ш.Ибрагимов, П.Я.Попова (1953). ишларида кўрсатилишича, пахта ҳосили бир хил кўчат қалинлигида уядаги ўсимликлар сонига боғлиқ. Кўчат қалинлиги гектарига 112 минг туп ҳар бир уяда биттадан ўсимлик жойлашган схемада, ҳар бир уяда кўпроқ ўсимлик қолдирилган  схемаларга нисбатан, ҳосилдорлик 6-7 га/ц юқорироқ бўлган. Ер ости сувлари яқин жойлашган тупроқларда 80-90 минг туп, бўз тупроқларда – 120, камунум тупроқларда – гектарига 130-140 минг ўсимлик. бўлган кўчат қалинлиги оптимал ҳисобланган

М.В.Мухамеджанов (1958), Ю.С. Насиров (1960). С.Х.Юлдашев (1965) ларнинг маълумотларига кўра жуда кам (20-30 минг/га) ва ҳаддан ташқари  (150 минг/га дан ортиқ) кўчат қалинлиги бўлганда пахта ҳосили камаяди, шу билан бирга кўчат қалинлиги кўпроқ бўлганда ўсимликларнинг ўсиши сусаяди ва ёруғлик режими ёмонлашади, улар гектарига 80 мингдан 150 минггача уяда биттадан қолдирилган кўчат қалинлигини тавсия қилдилар.

80- йилларда Ўзбекистонда ҳосилни теришдан олдиндаги эрта пишар ғўзанинг кўчат қалинлигини кўпайтириш, кенгқаторли (90см) экинларнинг

самарадорлигини ошириш мақсадида айрим хўжаликларда қўшқаторли экиш қўлланилди. [51]

С.М.Таиров, Х.Кахрамонов, А.Азнауров (1974), С.Х Юлдашева ва бошқалар (1974,1975). В.Перунов (1977), К.Исмаилов, О.Рахматов (1977), А.Шерматов (1977) ва бошқа муаллифларнинг маълумотларига кўра, қўшқаторли экинлар оддий кенгқатор ва торқатор экинларга нисбатан ғўзанинг бир хил кўчат қалинлигида юқори пахта ҳосилини олишни таъминлади. Лекин қўшқаторли экинларнинг муқаррар қўшимча харажатлар қаторларнинг орасидаги бегона ўтларни ўтоқ қилишда қўл меҳнатининг кўпайиши туфайли. Умри қисқа бўлди ва ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда қўлланилмайди. .

Ғўза кўчат қалинлиги бўйича Пахтачилик илмий-текшириш институтида ўтказилган кўп йиллик тажрибаларни умумлаштириб, Г.А.Ибрагимов (1979) қуйидагиларни қўллашни тавсия қилади: ер ости сувлари яқин жойлашган ўтлоқи тупроқларда ўрта толали ғўза навлари учун – 110-120 минг/ га ингчика толлали ғўза навлари учун – 120-130 минг/га; ер ости сувлари чуқур жойлашган, шўрланмаган, типик бўз тупроқларда – 120-130 минг/га.

Маълумотларга мувофиқ Хоразм вилоятининг ер ости минераллашган сувлари яқин жойлашган (0,9-2,4м) ўтлоқи тупроқларида пахтадан юқори ҳосил олиш учун ҳосил териб олишдан олдинги қалинлиги 102,9-126,4 минг/га бўлган кўчат қалинлиги оптимал ҳисобланади.

Г.А.Ибрагимов, К.Ягмуров (1979) ларнинг ёзишларича, фазалар оралиғидаги даврларнинг давом этишлиги 1 га майдон ҳисобидаги ўсимликлар сонига боғлиқ. Бу айниқса шоналаш, гуллаш ва пишиш фазалари оралиғидаги даврларда аниқ сезилади. Масалан, кўчат қалинлиги гектарига 88 ва 118 минг дан бўлган экинларда 9647-И нави бўйича шоналаш – гуллаш фазалари оралиғидаги даврлар 3 йилда ўртача 24-26 кунни ташкил қилган, кўчат қалинлиги гектарига 201-394 минггача кўпайганда – 27-28 кунни ташкил қилган, яъни 2-3 кунга чўзилган.. Бундан кейинги кўчат қалин бўлган экинлар ривожланишдан кейин қолиб кетиши гуллаш-пишиш даврида кузатилган, яъни қачон оддий ва қалин қолдирилган экинлар оралигидаги фарқ 7-11 кунгача ортган.

А.И.Имамалиев (1982) нинг фикрича, пахтанинг сифатига экиш

муддатлари, кўчат қалинлиги ва ўсимликларни жойлаштириш схемаси катта таъсир кўрсатади. Қалин қолдирилган экинлар ҳам, сийрак қолдирилган экинлар ҳам ҳосилнинг сифат кўрсатгичларини пасайтиради. Тупроқ унумдорлигига қараб у гектарига 90 мингдан 150 мингача кўчат қалинлигини тавсия қилади. Шунда юқори унумдор тупроқларда у гектарига 90-100 минг/га, ўрта унумдорлиларда – 110-120 минг/га, шағалли, шўрланган ва қумоқ, озиқа моддалар билан кам таъминланган тупроқларда – 130-150 минг/га бўлишини тавсия қилади [36]

Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий минтақасидаги оғир тупроқларда пахтадан юқори ҳосил олиш учун 60х14-1 схемаси бўйича кўчат қалинлигини қолдириш (116662) тавсия қилинади, гектарига 130 минг ва ундан кўпроқ қолдириш ҳосилнинг камайшига олиб келади ( Султаниязов 1982)

С.Х.Юлдашев, М.Камалова (1983) ларнинг таъкидлашларича, Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқ шароитларида Тошкент-6 ғўза навини гектарига 120-130 минг туп кўчат қалинлигида қаторда бир текис тақсимланган ҳолда етиштириш мақсадга мувофиқдир [111]

Қалин қолдирилган экинларда ғўзанинг морфологик ўзгаришларини текшириб М.Назаров, А.Хасанов, О.Ибрагимов (1984) томонларидан аниқланишича, ўсимликларнинг кўчат қалинлиги гектарига 133 минг дан ортиқ бўлса бош поя баландлиги, ҳосил шохларнинг сони ва уларнинг узунлиги, барглар сатҳининг майдони камаяди, ҳамда генератив органларининг ривожланиши сусаяди.

К.Умаров, Ш.Садиков, Т.Закиров (1985) лар қуйидаги хулосаларга келдилар: С-6037 ғўза навининг вегетация даврининг давомийлиги, 60х15-1 (109 минг/га), 90х15-1 (73 минг/га), 90х12-1 (92 минг/га), 90х10-1 (111 минг/га) ва 60х12-1 (138 минг/га) схемаларида етиштирилганда энг кам.бўлган. Уларнинг фикрича, Бухоро вилоятида шу нав учун ўсимликларни оптимал жойлаштириш схемалари 90х8-1 ва 60х12-1 ва гектарига 138 минг тупдан қолдирилган кўчат қалинлиги ҳисобланади.

Мухтаров, А.Ахбердиев, О.Қодиров, Г.Алиев (1985) ларнинг аниқлашларича, қалин қолдирилган экинлар мўътадил сув ва озиқа режимларида ғўзанинг ўсиш суръатни (тезлигини) пасайтиради, бош поя баландлигини

камайтиради, вегетатив шохларни қисқартиради ёки бутунлай уларни ҳосил қилмайди

Ғўзани етиштриш шароитларининг толанинг технологик хусусиятларига таъсирини ўрганиш билан кўп тадқиқотчилар шуғулланганлар (Белаусов, 1960, 1965; Попова, 1972, 1975). Улар томонидан аниқланишича, пахта толасининг сифати ва чигитларнинг массаси катта даражада минерал озиқланиш шароитларига, ғўзани микроэлементлар билан озиқлантиришдаги қоидага мувофиқ нисбатга эга. Кўчат қалинлигига ва ўсимликларни жойлаштириш схемаси, чеканка, суғориш режими шароитларига ва бошқа агротехник омилларга боғлиқ.

С.Мирахмедов, М.Миржураев (1986) ларнинг аниқлашларича, экиш схемаси 60х12-1 (139 минг/га), 60х5-1 (333 минг/га) 60х10-1 (166 минг/га) Гектарига 250-300 минггача ўсимликларни қалинлаштириш толанинг чизиқли зичлигини, солиштирма узилиш кучини (гс/ текс) пасайтирган . Бироқ толанинг пишиқлигини 0,1 г/к га кўпайтирган. Уларнинг маълумотларига кўра, толанинг энг яхши технологик кўрсатгичлари 60х10-1 (166 минг/га) экиш схемасидаги вариантда бўлган. [47]

Кўчат қалинлигини кўпайтирганда чигитларнинг 1000 дона массаси назорат вариантга нисбатан 2,0 г дан 6.0 гача камайган. Тола чиқиши кўпайиши билан тескари қонуниятли натижа бўйича тола узунлиги камайган..

К.Б.Бахрамов, Н.Е.Подчашинская (1990)лар шундай хулосага келдиларки, кўчат қалинлиги гектарига 200-400 минг атрофида бўлса, 3-5- ҳосил шохларнинг биринчи ўринлардаги кўсакларнинг тола сифатига салбий таъсир кўрсатмайди.

Болгарияда қалин қолдирилган ғўзаларни ўрганишда шу аниқладики, энг яхши натижани гектарига 250 минг/га қолдириш яхши натижа берган. Умумий ҳосилдорликнинг назорат вариантига (120 минг/га 60 см ли қатор оралигида) нисбатан 8.2 % кўпайишини кўрсатди. Бунда сентябр ойида терилган пахта миқдори 25,8% кўпайган.[56]

Ғўзанинг кўчат қалинлиги кўпайганда ўсимликларнинг баландлиги пасаяади, симподиал шохларнинг сони ва ҳосил органлари, жумладан кўсаклар сони камаяди, биринчи симподиал шохнинг пайдо бўлиш баландлиги ошади,

қуруқ масса ва барг сатҳининг ҳажми ўртача бир ўсимликка камаяди, гуллаш 2-3 кун кечикиб бошланади, ўсимликлардан олинадиган ҳосил оптимал кўчат қалинлигида энг кўп миқдорга етади.

C.V Feaster, E.J.Gurocottr,R.Ebriggs (1963)лар ўсимликларнинг гектарига 130 минг дона қолдиришни оптимал кўчат қалинлиги деб ҳисоблайдилар. Сўнгра уларнинг таъкидлашича, оддий қаторлаб экишга нисбатан ўсимликларни уялаб жойлаштирилганда, ҳосилдорлик камайяади. .[62]

B.S.Havkins, H.A.Reacock (1970) ларнинг таъкидлашларича, уялаб экишда гектарига кўчат қалинлигини 120 минг/ гача қолдирилса ҳосилдорлик кўпаяди, гектарига кўчат қалинлиги 400 минг туп бўлганга нисбатан. [57]

R.R.Bridge, R.R.Mercedith, S.G.Chicm (1973) ларнинг тасдиқлашларича, ғўза уялаб экилганда, айниқса уяда учта ўсимликдан жойлаштирилса, пахта ҳосилдорлиги камаяди. [63]

Лекин, D.J.Kittak (1974) томонидан ўтказилган тадқиқотларда, уяларда ва оддий қаторлаб жойлаштириб экилган экинларнинг орасидаги фарқ тола бўйича топилмади. Муаллифларнинг ҳисоблашича, агарда 1 гектарда ўсимликларнинг оптимал сонини сақлаб қолинса (120 минг гача). уяда ҳатто учтадан ўсимликлар жойлашган бўлса ҳам толанинг сифати кам миқдорда ўзгаради, [61]

H.S.Kaleu, G.H.Singh (1974) ларининг ёзишларича, ўсимликларни 60х45-2-3 схемаси бўйича жойлаштирилганда, А-231 ва А-214 ғўза навларининг ҳосилдорлиги, 60х25-1 схемаси бўйича жойлаштирилган стандарт А-320 ғўза навига нисбатан, юқори бўлган. .[60]

Норқулов Э., Р.Назаров (2008) таъкидлашича яганалашни 1-2 чин барг бўлганда ўтказиш самарали бўлади. Ушбу муҳим тадбир 3-5 кун ўтказилса ҳосилдорлик камаяди. Яганалаш сифатсиз ўтказилганда кўчат қалинлиги юқори бўлади. Ниҳолнинг сув озуқадан фойдаланиш кўрсатгичи камайиб ҳосилдорлик 15-20 % га пасайишига олиб келади.

Юсупов С., А.Ҳайдаров (2008) чигитлар 90х13-1-2 тартибда экилганда Оқдарё-6 ғўза нави билан Андижон -35 ғўза нави ўртасидаги кўсаклар сони бўйича фарқ 10,7-10,9 донадан 11,6-12,2 донанани ташкил этди.

Назаров Р., Б.Абдолниёзов (2005).- Оқдарё-6 навининг Хоразм вилояти

шароитида кўчат қалинлигининг гектарига 80 минг туп атрофида қолдириш тавсия этилган.

Юсупов С., А.Ҳайдаров. (2006) Оқдарё-6 ғўза нави Андижон -36 ғўза навига нисбатан 3,1-3,6 центнер кам ҳосил берганлиги кузатилган. 1 центнер ҳосил учун 195,1метр куб сув сарф бўлган.

Эгамбердиев А.,М.Миржўраев, Р.Исаев (2006) Наманган- 77 ғўза нави учун унумдор тупроқ шароитида кўчат қалинлиги гектарига 90-95минг / га, кам унумдор ерларда эса 120-140 минг туп кўчат жойлаштиришни тавсия қиладилар.

Яганалаш кечиктириб ўтказилса яганалашнинг ҳисобига ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши, кўсакларнинг очилиши 7-10 кунга кечикади.

Назаров Р, Хасанова Ф, Ш.Тешаев (2010) С-6524 ва С-6541 ғўза навларининг биологик хусусияти ва тупроқ унумдорлигидан келиб чиқиб, унумдорлиги юқори ерларда 90 см ғўза қатор оралиғида чигит экилган бўлса, 1метрда 8-9та, 60 см қатор оралиғида 5,5-6та гектарига 90-100 минг туп, унумдорлиги паст ерларда эса, 90см қатор оралиғида 9-10 та қатор ораси 60 см бўлганда эса 6-7 ниҳол қолдириб, 100-110 минг туп, Наманган-77, Ан-Боёвут-2 ва Навбаҳор -2 ғўза навлари экилган унумдор ерларда 90 см ғўза қатор оралари оралиғида экилганда 1 метрда 9-10 та, 60см да 7та кўчат қолдириб гектарига 100-110 минг туп кўчат бўлишини таъминлаш зарур.

Шунингдек Бухоро -102 ғўза навида 90-100, тупроқ унумдорлиги юқори бўлган худудларда эса 90-95 минг туп кўчат қолдириш мақсадга мувофиқ.

.Норқулов Э, М.Тошболтаев (2007) С-6524, Наманган 77,Андижон 35 ғўза навлари учун 100-110 минг, Бухоро102 нави учун гектарига 90-100 минг кўчат қолдириб, қатор ораси 90см бўлганда 1метрда 8-9 дона, 60 см бўлганда 1 метрда 6-7 дона кўчат қолдирилади.АН-Боёвут-2, Омад,С-4727,Оқдарё -6 ғўза навлари унумдорлиги юқори ерларда 90см қатор ораларига экилганда 1метрда 7-8та , ўртача тупроқларда 8-9, унумдорлиги паст ерларда 10-11 та кўчат қолдириш, 60 см қатор оралиғига экилганда унумдор тупроқларда 6-7, ўртача унумдор тупроқларда 7-8 та ва унумдорлиги паст тупроқ шароитида 8-9та кўчат қолдиришни тавсия қиладилар.

Шундай қилиб, келтирилган адабиётлар шарҳидан кўринишича, ғўза

кўчат қалинлиги, ўсимликларни жойлаштириш схемалари ва экишнинг оптимал муддатлари билан ўзаро боғлиқ, чунки бу тадбирлар тўлиқ гектар олишни таъминлашга қаратилган.

## II. ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ОБЪЕКТЛАРИ

Юксак маданиятли деҳқончилик ҳамда пахта етиштиришда интенсив технологияни жорий қилишнинг муҳим омилларидан бири ҳар бир майдонда оптимал кўчат қолдириш ва ғўза навларидан самарали фойдаланишдир. Хўжаликда ғўза навларини тўғри танлаш, экин майдонларида кўчат қалинлигини муқобил схемасини белгилаш натижасида, ҳар бир гектар ердан олинадиган ҳосил миқдори кўпаяди ва тола сифати яхшиланади.

Мақсад ғўзанинг ўрта толали навларида кўчат қалинлиги муқобил схеамасини танлаш натижасида пахта ҳосилини ва тола сифатини оширишдан иборат.

Тажрибани ЎзПИТИнинг Самарқанд вилояти тажриба хўжалиги шароитида олиб борилган. Тажриба ўтказилган даланинг тупроғи бўз тупроқ, ер ости сувлари 3-4 м чуқурликда жойлашган.

Тажриба майдончасида 2 та нав ҳамда 2 хил экиш схемаси 60х20-1, 60х15-1, 4 тадан такрорларда жойлаштирилди. Қаторлар узунлиги 30 метрдан, қаторлар оралиғи 0.6 метр. Тажриба ўтказиш услубияти УзПИТИ, 1981 йилдаги тавсия этилган тажрибалар ўтказиш қўлланмаси асосида амалга оширилди

Дала тажрибаси учун бошлангич манба сифатида ғўзанинг G.hirsutum турига оид, Оқдарё -6 ва Омад, олинди. Экиш муддати навлар учун ҳам бир вақтда, оптимал муддатда чигитлар экилди

### 2.1 Омад ғўза навининг таърифи

“Омад” ғўза нави Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида яратилган. Госипиум хирзутум турига мансуб. 1999 йилдан бошлаб Давлат реестрига киритилган.

2013 йилда экиладиган майдони 50,1минг га. Зайцев номидаги Ғўза селекция ва уруғчилиги илмий текшириш институтида яратилган. Муаллифлари: Ким Р.Г., Амантурдиев А.Б., Ахмедов Қ., Узоқов Й.Ф., Исроилов М. 1999 йилда районлаштирилган. Униб чиққандан биринчи кўсак очилгунча бўлган даври 106-122 кун. Тола чиқиши 34,7-35,3 фоиз. Ҳосилдорлиги 37,8-39,1 ц/га. Толаси V тип. Тезпишар

**Навнинг морфологияси ва қимматли хўжалик белгилари.**

Ўсимлик бўйи 80-90 см Ётиб қолмайди. Биринчи ҳосил шохлари 5-бўғинда пайдо бўлади. Кўсаклари йирик 6-7 грамм 4-5 чаноқли. Пахта чаноқдан тўкилиб қолмайди.Тола чиқими 35-36 % узунлиги 35-36 мм Чигити йирик, 1000 дона чигит оғирлиги 130-135 грам. Қулай агротехника шароитида 40,0-45,0 с/га ҳосил беради. Кўсакларининг очилиш сурати юқори бўлганлиги сабабли 20-25 сентабр муддатига 32,0-35,0 ц/га ҳосил беради.

**Чигитни экиш** Чигит экишнинг тупроқнинг 10 см чуқурликдаги ўртача суткалик барқарор ҳарорати $12^0$ С даража бўлганда тукли, $14^0$ С бўлганда туксизлантирилган касалликларга қарши дориланган чигитларни экиш лозим. Чигит пуштага экилганда оддий экишга нисбатан тупроқнинг ҳарорати 2-3 $^0$ С ошиқ бўлиши керак. Табиий намлик чигитни униб чиқишига етарли бўлиши ҳисобига 5-6 кунга эрта экишга имконият яратади ва ҳосилдорлик 4-5 сентнерга ошади, ҳосил 8-10 кун эрта пишади.

Бир гектар майдонга сарфланган чигит миқдори туксизлантирилган бўлса 25-30 кг тукли чигит бўлса 60 кг дан ошмаслиги керак. Экишда чигитни бир хил чуқурликка тушишига алоҳида аҳамият берилиши зарур. Меъёридан ортиқ чуқур экилган ёки саёз экилган майдонларда чигит ҳар хил муддатларда униб чиқади. Омад нави чигитини яхши униб чиқиши учун энг мақбул чуқурлик ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда 4-5 см бошқа тупроқларда 5-6 см ҳисобланади. Бундан ташқари қаторларнинг тўғри чиқиши туташган қаторларнинг орасидаги масофанинг бир хил бўлиши ҳам катта аҳамиятга эга. Акс ҳолда ғўза қатор ораларига ишлов берилганда кўчат қалинлиги камайиб кетиши мумкин. Экиш муддатлари об-ҳаво шароитидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**Ниҳолларни яганалаш** Яганалаш нав агротехникасида муҳим аҳамиятга

эга. Бу тадбирни ғўза ниҳоллари иккита чинбарг чиқарганда ўтказиш лозим. Яганалаш кечиктирилса ниҳолларнинг илдизлари бир-бири билан бирикиб кетади ва натижада ортиқча ғўза ниҳоллари юлиб олинаётган пайтда қолган ниҳолларнинг илдизлари шикастланади. Улар ўз ҳолига келиши учун 7-10 кун ўтади. Бу эса ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва оқибатда кўсакларнинг очилиши ҳам 7-10 кунга кечикади.

## 2.2.Омад ғўза навининг кўчат қалинлиги

Эртаги ва юқори ҳосил етиштириш учун ҳар бир гектар майдонда мақбул кўчат қалинлиги бўлиши зарур. Кўчатлар навга ҳос миқдордан кам ёки кўп бўлганда ҳосилдорлик камаяди. Кўчат қалинлиги тупроқ тури унумдорлиги яҳобб сувининг чуқурлиги шўрланиш даражасига қараб белгиланади.

Ғўзанинг Омад нави учун унумдор бўз ва ўтлоқи ерларда кўчат қалинлиги 90-100 минг/га қатор оралиғи 60 см бўлганда 6-7 туп ўсимлик (1 п.м да) 90 см бўлганда 8-9 туп ўсимлик (1 п.м. да) бўлиши керак. Унумсиз ва шўрҳок ерларда (Қарақалпоғистон Республикаси ва Сирдарё вилояти) кўчат қалинлигини 10-15 мингтага ошириш мумкин, бунда гектарига 110-120 минг ўсимлик бўлади.

## Омад ғўза навини минерал ўғитлар билан озиқлантириш

Юқори ҳосил олиш учун ғўзани етиштириш агротехнологиясига мувофиқ 1 гектарга ўғитларни соф ҳолда беришнинг оптимал миқдори қуйидагича:

$N_{225\text{-}250}$ $P_{150\text{-}175}$ $K_{100\text{-}125}$ кг Азотни уч муддатда бериш мақсадга мувофиқдир: экишда ёки биринчи култиватция пайтида (2-3 та чинбарглар пайдо бўлганда) 50-75 кг,шоналаш даврида 100-125 кг, гуллаш бошланишида 75-100 кг. Азотли ўғит етишмаган тақдирда экиш пайтида гектарига 100-150 кг аммафост фосфорнинг 50 % шудгор қилинганда, 50 % гуллаш даврида, калийни эса 50% ер ҳайдалганда, қолган 50 % ни шоналаш даврида бериш керак. Майдонларга маҳаллий ўғит бериш, ҳамда шоналаш, гуллаш даврида қатор ораларига шарбат оқизишни ҳам унутмаслик лозим. Омад нави тезпишар навлар сарасига киради, шунинг учун озиқлантириш ва суғориш ишларини бошқа навларга нисбатан эртароқ ўтказиш мақсадга муофиқдир.

**Суғориш тартиби** Ғўзани неча маротаба суғориш тупроқ турига заҳаб сувларининг сатҳига ва иқлим шароитларига боғлиқ. Суғориш бўз тупроқларда ер

ости сувлари чуқур жойлашганда 1:3:1 (1-3-4 та чинбарг пайдо бўлганда:3 шоналаш, гуллаш, пишиш бошланишида:1 пишиш даврида) тизимида бўз ва ўтлоқи ерларда ер ости сувлари яқин бўлганда суғоришни 1-2 тага камайтириш мумкин, яни 1:2:1 ёки 1:1:1 тизимида суғорилади. Биринчи сувни 3-4 та чинбарг пайдо бўлганда ёки шоналаш даврининг бошида бериш шарт.

Чанқатиб суғориш айниқса ўсимликларнинг гуллаш даврида толанинг дагаллашишига олиб келади. Тола узунлиги пасаяди.Калта ва дағал толанинг нархи дунё бозорида 1,5-2 маротаба паст баҳоланади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Омад навини тегишли муддатларда суғориш тартибига қаътиян риоя қилиш талаб этилади.

**Чилпиш ва ғўза баргларини тўкиш** Омад нави етарли агротехника шароитларида етиштирилганда паст бўйли бўлгани учун чилпишга заруriят қолмайди. Юқори агрофонда ва кўп суғорилганда чилпиш мумкин. (16-17 та ҳосил шохлари пайдо бўлганда)

Омад навининг бошқа навларга нисбатан тезпишарлиги тупида барглар сони нисбатан кам бўлганлиги сабабли баргини тўкишга сарфланадиган дефолиантлар кам миқдорда қўлланилади. Дефолиацияни ўсимликда 60-80 % кўсаклар очилганда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

**Тажриба даласида ўтказилган агротехник тадбирлар**

Тажриба даласида ўтказилган барча агротехник тадбирлар ЎзПИТИ да қабул қилинган умумий агротехник қоидалар асосида олиб борилди. Бунда бажарилган агротехник тадбирлар дастлаб далани ғўза поядан тозалаш, минерал ўғитлар солиш, шудгорлаш, ишлари ўтказилган бўлса, ерни экишга тайёрлашда эса далани чизел борана қилиш, мола босиш тадбирлари ўтказилди. Кейинги агротехник тадбирлар эса чигит экиш, яганалаш, суғориш, ўғитлаш, қатор ораларига ишлов бериш, зараркунандаларга қарши кураш, бегона ўтларни чопиқ қилиш ва пахта терими кабилар ўз муддатида сифатли амалга оширилди.

Тажриба ўтказиш давомидаги барча агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли қилиб ўтказилишига ҳаракат қилинди.

Тажриба ўтказиладиган далада ерни тайёрлаш учун белгиланган дастур бўйича ишлар олиб борилди. Бунда далага $P_2O_5$ 70% ўғит кузда ерни ҳайдаш

олдидан берилди. Қолган ўғитлар чигит экиш билан ва ғўзанинг вегетация даврида бериб борилди.

Дала шароитида ғўзанинг вегетация даврида дастур бўйича белгиланган барча фенологик кузатув ишлари олиб борилди. Бунда чигит униб чиқа бошлашидан ҳисоб-китоб ишлари бажарилди. Кунаро униб чиққан ниҳоллар ҳисоблаб турилди.

# III.АСОСИЙ ҚИСМ

## 3.1. **Майса пайдо бўлиши ва ўсимлик қалинлиги**

Тажриба Пахтачилик илмий тадқиқот институтининг услуби бўйича ўтказилиб, ҳамма навларда бир хил агротехника қўлланилди. Ўсимликларни ўсиш даврида комплекс кузатув ва ҳисоблашлар олиб борилди. Энг асосийси бу навларнинг бир-бирига солиштириш, тўғри маълумот олиш учун ўсимлик қалинлиги бир хил бўлишига ҳаракат қилинди. Майса пайдо бўлишида булар орасида сезиларли фарқ бўлмади. Ниҳолларни униб чиқишини 4 марта кузатдик.
Ҳамма тизмаларда тўла ва текис майсалар пайдо бўлди. Ўсимлик қалинлигини эса белгиланган схемаларда қолдирилиб, бир гектарда 83,111 минг ва 111111туп

ўсимлик бўлишга эришилди. 60х20-1 ва 60х15-1 схемада Тажрибада ҳақиқий кўчат қалинлигини икки марта, яъни ягана қилингандан кейин, ҳамда терим олдидан аниқладик. Ҳамма навларда белгиланган кўчат қалинлигига эришилди. Эрта пишар ғўза навлари чигитининг уна бошлаши бирмунча пастроқ ҳароратда бошланиб, чигитнинг униб чиқиши ҳам бирмунча эртароқ бўлади.

### 3.2 Ғўза навининг поя баландлиги.

Ўсимлик бўйи чигитни тўлиқ ундириб олишдан ташқари ўсимликнинг бутун вегетатция даврида бўладиган шароитларга боғлиқ. Бундан ташқари ўсимлик бўйига таъсир қиладиган омиллар сув режими, ўсимликнинг морфологик ва биологик хусусияти, қатор ораларига ишлов бериш, қишлоқ хўжалик ўсимликларининг касаллик ва зараркунандаларига ҳамда, бегона ўтларга қарши кураш кабилар киради.

Асосий пояда симподиал шохнинг пайдо бўлиши баландлиги маълум даражада асосий пояда биринчи симподиал шохгача пайдо бўладиган моноподиал шохларнинг ҳам сонини белгилайди.

Биринчи симподил шохнинг асосий пояда шаклланиш баландлиги маълум турдаги ғўзанинг ўзига хос бўлган ирсий белгиларидан бўлиб, у бир оз ташқи муҳит таъсирида ўзгариши мумкин.

Ғўзанинг мақбул ўсиши, ривожланишида генератив шохларнинг қанча баландликда ёки нечанчи бўғиндан ўсиб чиқиш, эрта пишарликка асос қилиб олинган. Агар ўсимлик учун мақбул шароит яратилса, мева шохлари энг пастки бўғинлардан пайдо бўлади, бунда озиқланиш майдони ва кўсаклар сонини муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, битта ўсимлик ва навнинг ўсиши ва ривожланишида кўчат қалинлиги ва экиш схемаси таъсири катта бўлади.

Ўсимликларнинг ўсиш даврида 3 марта уларнинг поясининг баландлиги ўлчанди. Бу жадвал маълумотларига қараганда 1-ўлчовда навлар орасида фарқ жуда кам бўлган, фақат 60х20-1 схемада поясининг баландлиги бўйича қолган Омад ғўза нави бошқа вариантдан ажралиб турганлигини кўриш мумкин. 1 июнда ўтказилган ўлчов натижаларига қараганда Омад нави поясининг баландлиги 27,5

см бўлган бўлса, қолган навларнинг поясининг баландлиги 26,1-26,6 см бўлган. Тажрибаларимизда ғўза ўсишининг дастлабки даврларида бош поянинг ўртача суткалик ўсиши ўртача ҳарорат 17,8 С бўлганда 0,21 см; 20,5 С бўлганда 0,32 см ва 24,1 С бўлганда 0,84смни ташкил қилган бўлса, ғўзаларнинг авжи ўсадиган даврида, иссиқлик 25,3 С бўлганда -1,36 см; 22,7 С бўлганда -0,35 ва 28,6 С бўлганда эса -0,65 см ни ташкил қилди. Бу даврда иссиқликнинг пасайиши ортишига қараганда ўсиш жараёнига кучли таъсир этганлиги кўрилди.

1 август ҳолатига бош поя баландлиги 60х20-1 тизимда 86.6см 60х15-88,4см, ҳосил шох сони , 11,4,-11,2 дона, кўсаклар сони бир хил бўлди. 6, -6,1дона бўлган

3.2.1.-жадвал

Ғўза навининг бош поя баландлиги,ҳосил шохлари ва кўсаклар сони ( ЎзПИТИ Самарқанд 2003-2005й)

| № | Ғўза нави | Бош поя баландлиги см | Ҳосил шох сони ,дона 1.08 | Кўсаклар сони ,дона |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 60х20-1 | | | |
| 2 | Омад | 86.6 | 11,4 | 6 |
| 3 | 60х15-1 | | | |
| 4 | Омад | 88,4 | 11,2 | 6 |

Ғўзанинг энг интенсив ўсиши $25^0$ С ҳарорат бўлиб, ҳарорат бундан қанча пасайиб ёки ортиб кетса ўсиш шунча сусаяди. Кейинги ўлчовда ҳам Омад нинг пояси 60х15-1 вариантда ҳам нисбатан баланд бўлган. ( 88,4, см). Ўсимликлар сийрак қолдирилган вариантларда бош поя баландлиги паст, ҳосил шохлари ва кўсаклар сони айтарлик унчалик фарқ бўлмагани кузатилди. 90 % ҳосил

пишгандаги фарқ сақланиб, янада аниқроқ кўринди. Ҳосил пишиш даврида бош поянинг ўсиши ўлчанганда ҳосил шохларининг сони ва кўсакларни пайдо бўлишини кузатиш шуни кўрсатдики, кўчат қалинлигини ошиши ғўза навларида сезиларли даражада фарқ қилган. Бош поянинг баландлиги энг баланди кўчатлар қолдирилган вариантларда 60х15-1 схемада бўлган. Кўчат қалинлиги ортиши билан ҳосил элементларининг сони ҳар бир туп ўсимликда камайишини қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин. Ғўзаларнинг энг яхши бош поясининг ўсиши кўчат сони кам бўлган, ўсимликларни озиқланиш майдони катта бўлган вариантларда кузатилмай фарқ унчалик сезилмади. Экин майдонларида бош поянинг пастроқ бўлиши ўсимликларни ортиши билан кузатилди. Жадвалдан кўриниб турибдики ўсимликлар алоҳида бўлиб 60х20-1 схемада жойлаштирилганда кўчат сони бошқа вариантларга нисбатан кам бўлганда ҳосил шохлари ва кўсаклар сони ортганини кузатиш мумкин. Ўсимликлар орасидаги фарқ

1 август ҳолатига 60х20-1 тизимда ҳосил шох сони , 0,2 кўсаклар сони бир хил, 6 та , 60х15-1см**,** ҳосил шох сони , 11,4 дона,

Ҳосил шохи сони бўйича дона ва кўсак тугиш бўйича 60х15-1схемада юқори бўлган

Жадвал малумотларидан кўриниб турибдики Экиш схемасида ўсимликлар ораси қанчалик қалин бўлса, яъни яқин бўлганда, ўсимликларнинг бош поя баландлиги шунчалик юқори бўлиши кузатилди. Бу қонуният вегетация даврининг охиригача давом этган.

Шундай қилиб Омад ғўза навнинг, 60х15 -1 схемада ўстирилганда Омад вегетация даврининг ҳамма муддатларида 60х20-1 га нисбатан поясининг баландлиги билан ажралиб турган

### 3.3. Ғўза навида гуллаш ва пишиш муддатларини ўтиши.

Ғўзанинг тупида бутун вегетация даври давомида шоналарнинг пайдо бўлиши ва уларнинг очилиши аста-секин давом этади. Гуллаш бош поянинг ўсишига ва уларда янги-янги ҳосил шохларининг шаклланишига ҳамда ён шохларининг пайдо бўлишига қараб содир бўлади. Шунга кўра ғўза гуллари пастки шохларидан бошланиб,

аста-секин шохдан-шохга ва бир шох ичкарисидан ташқи томонига қараб очилиб боради. Гулларининг аста-секин олдинма кейин очилиш (шунингдек, шоналарнинг ҳам олдинма кейин пайдо бўлиш) жараёнини маълум бир қонуният асосида кечишини Г.С.Зайцев жаҳонда биринчи бўлиб аниқлаган. Ғўзанинг юқорида келтирилган тартибда гуллаши натижасида ҳар қайси ғўза тупида гуллаш конуси шаклланади. Ғўзанинг гуллаш тартибини тузишда тупдаги симподиал шохларни ярусларга бўлиб чиқилади. Бунда дастлабки 3 та симподия I- ярусни, навбатдаги яна 3 таси II- ярусни ташкил қилади ва ҳоказо. Шунга кўра Г.С.Зайцев ғўза тупининг ҳамма асосий симподиал шохларини ҳар бирида учтадан шохи бўлган ярусларга бўлишни таклиф этган.

Тажрибада иштирок қилган ғўза навлари гуллаш ва пишиш даврларини ўтишида ҳам озроқ бўлсада бир-биридан фарқ қилганлигини кўриш мумкин. Бу маълумотлар 3.3.1-жадвалда келтирилган.

Тажрибада ғўзанинг гуллаши кузатилганда кўчат қалинлиги, ўсимликларнинг озиқланиш майдони ва ғўза навларига қараб 50 ва 90 % ўсимликларда гулларнинг очилишини кечикиши кузатилди. Биринчи бўлиб, 50% гулларнинг очилиши 60х20-1 схемасида Омад навида бошланди. Экишдан 50% гулларнинг очилиши бу вариантларда-76 кунни ташкил қилди. Ўсимликлар қалин экилган схемаларда 60х15-1 кўчат қалинлиги ортиши билан гулларнинг очилиши 82.1 - кунни- ташкил қилди. Экин майдонларида экишдан гуллашгача 50 % ўсимликларнинг гуллаши кузатилганда ўсимликлар сонини ортиши билан гуллашнинг кечикиши кузатилган

Жадвалдан кўриниб турибдики, 90% ўсимликларда гуллаш орасидаги фарқ янада кўпроқ бўлган. 90 % ўсимликларда гулларни очилишида фарқ вариантлар бўйича 60х20-1, 60х15-1 схемаларда ва фарқ қуйидагича бўлган. Ўсимликларда гуллаш биринчи бўлиб, кўчат сони кам бўлган схемаларда бошланди, буни шундай тушиниш мумкинки, яъни ўсимлик сийрак ва алоҳида ўсганда қуёш нуридан ҳамда тупроқдаги озуқа элементлардан яхшироқ фойдаланади

3.3.1-жадвал

Ғўзанинг ривожланиш фазасини ўтиши

( ЎзПИТИ Самарқанд 2003-2005й)

| № | Ғўза нави | Экишдан | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Гуллашгача, кун | | Пишишгача, кун | |
| | | 50% | 90% | 50% | 90% |
| | 60х201 | | | | |
| 1 | Омад | 76 | 84.1 | 125,2 | 135,1 |
| | 60х15-1 | | | | |
| 3 | Омад | 82,1 | 88,6 | 129,0 | 138,2 |

.Шунга биноан қалин экилган ўсимликларга нисбатан бир текис ўсади. Кўсакларнинг очилиш тезлиги шуни кўрсатдики, гуллаш даврида ҳар хил вариантлар орасидаги фарқ кўсакларнинг пишиш даврида ҳам сақланди.

Бу жадвал маълумотларига қараганда гуллаш муддати экиш схемаларида фарқ сезилди.

Тажрибаларда , суткалик ўртача ҳарорат $25^0$-$26^{0C}$ бўлганда шоналаш 22-24 кунга тўғри келиши аниқланилди. Кузатишлардан аниқланишича , шоналашнининшнинг бошланиши учун биринчи чинбарг чиққандан кейинги суткаларнинг ҳарорати 18—19 С дан кам бўлмаслиги зарур шароитлар мавжуд бўлсагина , улар эрта муддатларда шонага кириши мумкин. Ғўза биринчи шона кўрсатгандан гулга айлангунча, асосий пояда навбатдаги ҳосил шохларнинг пайдо бўлиш оралиқ фазаси ўтади. Қулай ўсиш шароитида ғўзада 9-11 та ҳосил шох пайдо бўлганда биринчи ҳосил шохнинг биринчи бўғимидаги биринчи шона очилади ва гуллаш фазаси бошланади. Гуллашдан кўсаклар очилгунча навбатдаги

гулларни очилиш оралиқ фазаси ўтади. Гуллаш юқорига кўтарилиб, 17-18 ҳосил шохига етганда биринчи ҳосил шохнинг биринчи бўғимидаги биринчи кўсак очилади ва пишиш фазаси бошланади.

Шоналашдан гуллашгача бўлган давр иссиқлик ҳарорати энг юқори бўлган даврга тўғри келади. Гуллаш фазаси бошланиши учун суткалик ўртача ҳарорат 19-20$^0$ бўлиши лозим . Бордию, ҳарорат 25$^0$ С бўлса, 24-27 кунда ғўза гуллайди.

Ғўза тупидан шоналар пайдо бўлганидан бошлаб гуллар пастдан юқорига қараб шохма- шох , қисқа навбат билан , ҳар бир шохда эса поя томондан шохнинг учига қараб . узоқ навбат билан очилади. Поянинг учига қараб шохдан -шохга очилиши ўртача 2-3 кун, бир шохнинг ўзидаги бир гул билан иккинчи гулнинг очилиши ўртасида 5-6 кун ўтади.

Биринчи гул очилгандан кейин 55-65 кун ўтгач, у кўсак ҳолда етилади ва кўсакларниг очилиш фазаси бошланди. Бу фазанинг оралиғи тизмаларга , шу даврдаги иссиқлик ҳарорати ва бошқа шароитларга қараб гуллаш даврида ҳароратнинг ортиши ёки камайиши ҳосилга салбий таъсир қилар экан.

Демак , гуллашдан биринчи кўсак очилгунча суткалик ўртача ҳарорат 20$^0$ С дан кам бўлмаслиги керак

Биринчи кўсакларнинг эрта муддатларда очилиши жуда муҳим. Чунки кейинги кўсакларнинг кузги совуқ тушгунча очилиш учун кўпроқ иссиқликдан фойданланиш имониятлари бўлади. Кечроқ экилган ғўзаларда биринчи кўсакнинг очилишига эришиш мумкин, бироқ қолган кўсакнинг етилиши ва очилиши учун иссиқлик ҳарорати етарли бўлмайди.

Ғўзалар ўсиши ва ривожланишининг турли даврларида турлича ташқи шароитларни: иссиқлик, ёруғлик, намлик, озиқ элементларни талаб этади.

Ғўза иссиқлик ва ёруғликни қуёш нуридан олса, сув ва озиқ моддаларни тупроқдан олади. Ғўза ер шарининг тропик минтақасидан келиб чиққанлиги учун у иссиқсевар ўсимлик ҳисобланади. Ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши учун энг қулай ўртача суткали қарорат 25$^0$-30$^0$ С ҳисобланади. Иссиқликнинг бундан камайиши ёки ундан ортиқ бўлиши ғўза ўсишининг сусайишига олиб келади. Бунда ўсиш даврининг ҳар бир фазасида ғўзанинг иссиқликка бўлган талабининг пастки чегараси муҳим роль ўйнайди. Юқорида айтиб ўтилаганидек, бу кўрсатгич,

чигитнинг уна бошлаш пайтида -11$^{0}$ С,униб чиқишида -15$^{0}$ С, биринчи чинбарг чиқишида -16$^{0}$С, шоналашда -18$^{0}$С, гуллаш бошланишида -20$^{0}$С, кўсакларнинг очилишида -19-20$^{0}$С ни ташкил қилади.

Кўсак 50-60 кунда пишиб етилади, кейин у қурийди ва кўсак чоклари ёрилиб, чаноқлари аста-секин атрофга керилади. Ғўзанинг шундай турлари ҳам борки, уларнинг етилган кўсаги салгина очилади ёки бутунлай очилмайди. Кўсакларнинг очилиш даражаси ғўзанинг ирсий белгиси ҳисобланиб, ҳар хил ғўза турлари ва навларида етилган кўсакларнинг очилиш даражаси турлича бўлади.

Тажрибада ғўзанинг гуллаши кузатилганда кўчат қалинлиги, ўсимликларнинг озиқланиш майдони ва ғўза навларига қараб 50 ва 90 % ўсимликларда 60х15-1 схемада гулларнинг очилишини кечикиши кузатилди..Биринчи бўлиб, 50% гулларнинг очилиши 60х20-1 Омад ғўза навида бошланди. Экишдан 50% гулларнинг очилиши бу вариантларда76- кунни ташкил қилди. Ўсимликлар қалин экилган схемаларда 60х15-1 кўчат қалинлиги ортиши билан гулларнинг очилиши -82,1- кунни ташкил қилди. Экин майдонларида экишдан гуллашгача 50 % ўсимликларнинг гуллаши кузатилганда ўсимликлар сонини ортиши билан гуллашнинг кечикиши кузатилган. Яъни хар бир уяда битта ўсимлик 60х15-1 82,1кунни бўлди.

Жадвалдан кўриниб турибдики, 90% ўсимликларда гуллаш орасидаги фарқ янада кўпроқ бўлган. 90 % ўсимликларда гулларни очилишида фарқ вариантлар бўйича, 60х20-1схемаларда ва навларда фарқ қуйидагича бўлган. Ўсимликларда гуллаш биринчи бўлиб, кўчат сони кам бўлган схемаларда бошланди, буни шундай тушиниш мумкинки яъни ўсимлик сийрак ва алоҳида ўсганда қуёш нуридан ҳамда тупроқдаги озуқа элементлардан яхшироқ фойдаланади. Шунга биноан қалин экилган ўсимликларга нисбатан бир текис ўсади. Кўсакларнинг очилиш тезлиги шуни кўрсатдики, гуллаш даврида ҳар хил схемалар орасидаги фарқ кўсакларнинг пишиш даврида хам сақланди.

.

## 3.4. Биринчи ҳосил шохларининг жойлашиш баландлиги ўсув, ҳосил шохлари ва кўсаклар сони.

Моноподиал шох асосий поянинг пастки қисмида, симподиал шох эса моноподиал шохнинг юқорисида ривожланади. Шунга кўра, асосий пояда биринчи ҳосил шохининг шаклланиши асосий поядаги барг бўғимининг тартиб рақамини белгилайди, бу эса катта амалий аҳамиятга эга. Чунки ғўзанинг асосий поясида биринчи симподиал шох қанчалик эрта шаклланса, ўсимлик шунчалик эрта гулга киради ва бу ўсимликнинг ҳосили ҳам барвақт етилади.

Асосий пояда симподиал шохнинг пайдо бўлиш баландлиги катта амалий аҳамиятга эга (hs). Бунда, биринчи симподия пастки барг қўлтиғида пайдо бўлса ғўза эртапишар, кейинги барг қўлтиқларида пайдо бўлса ўртапишар ёки кечпишар бўлиши мумкин, масалан, экилаётган маданий ғўзаларда hs – 4, 5 дан 6, 7, 8 гача кузатилади.

Биринчи симподиал шохнинг асосий пояда шаклланиш баландлиги маълум турдаги ғўзанинг ўзига хос ирсий белгиларидан бўлиб, у ташқи муҳит таъсирида бироз ўзгариши мумкин. Биринчи ҳосил шохларининг жойлашиш баландлиги ўсув, ҳосил шохлари ва кўсаклар сони энг асосий кўрсаткичлар бўлиб, янги яратилган навларни характерлаб берадиган кўрсаткичлардир. Бу 3.4.1.-жадвал маълумотларига қараганда биринчи ҳосил шохининг жойлашиш баландлиги бўйича уларни икки гурухга бўлиш мумкин.

Ўсув шохлари бўйича ҳам навларда 60х15-1 схемада битта ва иккитадан ва қолган схемаларда ҳамма навларда биттадан ўсув шохлари ҳосил бўлган. Ҳосил шохлари 2009 йилда 60х20-1 схемада Омад11.4 га тенг бўлиб, Энг кўп ҳосил шохи шу схемада бўлди.

Кўсаклар сони бўйича ҳам бир-биридан айтарлик фарқ қилмади. Энг кўп кўсак сони 1 дона туп ўсимликда ўртача 10,9 та 60х20-1бўлганлигини кўриш мумкин. Энг кам кўсаклар 60х15-1 схемада 6,0 тани ташкил этди. Ўсув шохлари бўйича ҳам навларда 60х15-1 схемада битта ва иккитадан ва қолган схемаларда ҳамма навларда биттадан ўсув шохлари ҳосил бўлган. Ҳосил шохлари 2009 йилда 60х20-1 схемада Омад - 11,4, Оқдарёда -6 -11,5 га тенг бўлиб, Энг кўп ҳосил шохи шу схемада бўлди.Кўсаклар сони бўйича ҳамма навлар бир-биридан айтарлик фарқ қилмади..

3.4.1 жадвал

Ғўза навида ўсув, ҳосил шохларининг сони ва кўсаклар миқдори.

( ЎзПИТИ Самарқанд 2003-2005й)

| № | Ғўза навлари | 1-ҳосил шохининг жойлашиш баландлиги (бўғим0 | Ўсув шохлари сони | Ҳосил шохлари сони | Кўсаклар сони |
|---|---|---|---|---|---|
| | 60х20-1 | | | | |
| 1 | Омад | 5 | 1 | 11,4 | 6,0 |
| | 60х15-1 | | | | |
| 2 | Омад | 5 | 1 | 11,2 | 6,0 |
| | | | | | |

Кўсаклар сони бўйича ҳамма навлар бир-биридан айтарлик  фарқ қилмади. Кўсак сони Омад  навида бир туп ўсимликда ўртача 6,0 та бўлганлигини кўриш мумкин. Энг кам кўсаклар Оқдарё-6  60х20-1 схемада  бўлди.

. 3.5. **Ғўза навининг ҳосилдорлиги**.

Ғўза навларининг ҳосилдорлигини  истиқболли навлар белгилаб беради. Барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларида бўлгани каби пахтачиликда ҳам унинг ҳосилдорлигини оширмай туриб, кўзага  кўринарли ютуққа эришиб бўлмайди. Айниқса бу борада ғўза агротехникасини ривожлантириш яхши натижа беради.

Пахта ҳосилдорлигини ошириш, унинг сифатини яхшилашда истиқболли ғўза навларини яратиш ва уларни минтақалар бўйича тўғри жойлаштириш, мақбул экиш схемасини ,алмашлаб экишни жорий қилиш ҳамда кимёвий ва  маҳаллий ўғитларнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. .Ҳосил йиғиб териб олиш олдидан кўчат қалинлиги ҳисоблангандa ҳамма тажриба даалсида меъёрий кўчат қалинлиги таъминланиб назарий кўчат қалинлигига яқин бўлган.Натижада ғўзаларнинг ўсиши ва ривожланиши шунингдек кўсаклар сони ҳар хил экиш схемасида ўсимликларни жойлаштирилишига қараб ҳосилдорлик ҳар хил бўлди. умумий пахта ҳосили Омад навида гектарига -32,3  ц/га ташкил этди . Оқдарёда

33,9  бўлган.қолган вариантларда (83000 ва 106,3 кўчат қалинликлардаги кўрсаткичларни эътиборга олсак 30,8 ц/гани  кўрамиз.Оқдарёда ҳосилдорлик юқори бўлган.

Экин майдонида кўчат сонини камайиши билан ҳосилдорлик сезиларли даражада камайган 60х15-1 схемада  60х20- 1-схемага нисбатан ҳосил ортган. Ҳақиқий кўчат қалинлиги гектарига  83,1-104,6 минг -бўлган. Бизнинг тажриба маълумотлари шуни кўрсатадики, ўрганилган вариантлар бўйича кўчат қалинлиги ва ғўза навларининг ҳосилдорлиги бевосита экиш схемасига боғлиқ экан.

Навлар ичида  энг юқори ҳосил олиш учун мақбул кўчат қалинлиги Оқдарё-6  навида 102,7 минг кўчат бўлганда  ҳар гектар ҳисобига ҳосилдорлик 33,9 ц ҳосил олиш имконини берди. Ғўза навида ҳам юқори ҳосил олиш учун ҳар гектар ҳисобига мақбул кўчат қалинлиги 102 700  33,9 ц/г кузатилди.   Омад  ғўза нави ҳам гектарига  106,300 ортиқ туп сони бўлишни талаб этади ва 32,3 ц гектарига ҳосил тўплаб, унинг ҳосилдорлигини туп сонининг кўп бўлиши билан кўрсатади.

.3.5.1.-жадвал

Ғўза навининг ҳосилдорлиги (ц/га).

( ЎзПИТИ Самарқанд 2003-2005й)

| Навлар | кўчат қалин, туп/га | Ҳосилдорлик,ц/га | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1-тер-им | 2-тер им | 3-тер им | Жами | |
| | 60х20-1 | | | | | |
| Омад | | 21,5 | 7,1 | 2,9 | 31,5 | -0,8 |
| | 60х15-1 | | | | | |
| Омад | | 19, | 9,5 | 3,8 | 32,3 | |

Кўсакларнинг барвақт ва жадал суратлар билан очилиши фақат умумий ҳосилнинг ортишигина эмас, балки юқори сифатли тола ва чигитга эга бўлган юқори навли пахта салмоғининг кескин кўпайишига сабаб бўлди

Жадвалдан кўриниб турибдики, экиш схемасига қараб, экин майдонида ўсимликларнинг қалин жойлаштириш ҳосилдорликни ортишига , қулайроқ жойлаштириш эса ҳосилни эрта сифатли териб олиш имконини берар экан.

## 3.6. Ғўза навида кўчат қалинлигининг ҳосилдорлик ва тола сифатига боғлиқлиги.

Ўзбекистон ташқи бозорга талаб катта бўлган маҳсулот - пахта толасининг асосий ишлаб чиқарувчиси ва етказиб берувчисидир. Жаҳон бозорига чиқмасдан туриб ҳар қандай соҳада ҳам тараққиётга эришиб бўлмайди бу эса ўз навбатида товарга катта талаб яъни энг рақобатбардош, энг сифатли, энг харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш демакдир. 2008 йил маълумотларига кўра ишлаб чиқарилган толадан 85% хорижга жўнатилган. Ички истеъмолчилар ҳиссаси эса 14,6% ни ташкил қилган. Ҳозирги кунда ғўза далаларимизга янги –янги навлар кириб келмоқда Бу навлар ичида Бухоро-102, Андижон -35, Оқдарё -6, Омад, Бухор -8, Хоразм-127, Меҳнат, Андижон-36, Денов, АН-16, С-6541, Чимбой-5018, Андижон -37, Хоразм-150, Навбаҳор-2 ва бошқалар Бу янги навларнинг умумий экин майдони 200 минг гектардан ошиб кетмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда яратилаётган ғўза навлари ва тизмаларида мақбул кўчат қалинлиги ўрганиш улардан фойдаланишда етиштириш технологиясининг яхшиланишига самарадорликни оширишга олиб келади. Бу навларни ишлаб чиқаришда экиш учун уларнинг уруғликларини ҳам етиштириш сарф харажатларни талаб этади. .Ҳар бир килограмм чигит, ўз ўрнида озиқ-овқат учун хом-ашё эканлигини ҳисобга олиб, мақбул кўчат қалинлигининг қанчалик қимматини ҳис этамиз. Ҳар бир нав учун хос ва мос мақбул кўчат қалинлиги натижасида жуда кўп озиқ-овқат ашёсининг камайишини олди олинади. Чунки республикамиз бўйича ҳар йили туманлаштирилган навлар учун 100 минг тоннага яқин тўқ ва сара чигит уруғлик тайёрланилади (Илова )Уруғлик учун тозалаш ва саралаш технологияларидан жами 97,7 минг сара уруғлик чигит тайёрланган. 24, 3 минг тоннаси туксизлантириш ва калибирлаш натижасида қайта ишланади..Химикатлар билан ишлаш жараёнига жами бўлиб 72,8 минг тонна хом-ашё дорилаш учун

ишлатилади.. Оптимал кўчат қалинлиги ўрганилиб уруғлик чигит ўртача ҳар бир гектаридан бир килограммдан иқтисод қилинган тақдирда ҳам аҳамиятли хом —ашё, озиқ-овқат иқтисодига эришамиз. Бу иқтисод қилинган хом- ашё халқ хўжалигининг инсонлар ва чорва моллари учун бебаҳо озиқ бўлиб хизмат қилади. Ғўза етиштиришда самарадорликка эришилади.

3.6.1.жадвал

Ғўза навида қимматли хўжалик белгиларини ўзгариши.

( ЎзПИТИ Самарқанд 2003-2005й)

| № | Ғўза навлари | Кўсаклар оғирлиги,г | 1000 дона уруғ вазни ,г | тола узунлиги мм |
|---|---|---|---|---|
| | 60х20-1 | | | |
| 1 | Омад | 4,4 | 125 | 32,5 |
| 2 | 60х15-1 | | | |
| 3 | Омад | 4,0 | 115 | 32,8 |

Тажриба вариантларида синалган навларнинг қимматли хўжалик белгилари бўйича технологик хусусиятига кўра, кўсаклар оғирлиги, 1000 дона уруғ вазни, тола узунлиги билан анча устун экан қуйидаги жадвалдаги маълумотлардан кўриш мумкин.

Жадвалдан кўриниб турибдики, битта кўсакдаги пахта вазни, толанинг узунлиги, толанинг чиқими бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган. Вариантлар 60х20-1 схемада ҳамма навларда ҳам кузатилган. . Лаборатория тахлиллари шуни кўрсатадики, кўчат қалинлигини ортиши билан минг дона уруғнинг оғирлиги камайган. Бизнинг тажрибада минг дона уруғнинг оғирлиги камайиши

60х10-1 схемада яъни ҳақиқий кўчат қалинлиги кўп бўлган вариантларда кузатилди Наманган навида кузатилди.. Бу вариантда уруғ массаси Оқдарё-6 ва 123г бўлди. Минг дона уруғнинг массаси энг паст бўлган схемаси 60х10-1 --110-, Оқдарё да121 гр ни ташкил этди.

**Микронейр кўрсаткичи** (толанинг ингичкалиги., пишиб етилганлиги, пишиқлигини кўрсатади.) Бу усулда тола намунасининг ҳаво ўтказувчанлиги билан намунадаги тола ингичкалиги ўртасидаги ўзаро боғлиқликка асосланади. HVI 900 SA тизимида ўлчашларни олиб бориш учун намуна массаси (10 +) г. бўлиши керак.Намуна массаси HVI 900 компьютери томонидан назорат қилиб борилади. Микронейр кўрсаткичи Сифат ташкилотида , бошқа таҳлиллар университетнинг пахта толасини таҳлил қилиш ва Давлат нав синаш лабораториясида олиб борилди.

. Ғўза навларини устида ЎзПИТИ тажриба станциясида 2005 йилда ,60х15-1,60х20-1 схемада тажриба қўйилиб (кўчат қалинлиги 106,-83 минг туп/га )схемасида экиб таҳлил қилинган.. 83000 туп сони кўчат қалинлигида ғўза навларида Оқдарё-6 Омад навлари қиёсий ўрганилган . 60х20-1 схемада ,125 кунда пишди. кунни ташкил этган. Оқдарё навига нисбатан тезпишарликда 4 кунга кечикди. .Энг қимматли хўжалик белгиларидан бир бўлган тола чиқишини таҳлил қилинганда..

3.6.2 жадвал

Кўчат қалинлигининг ҳосилдорликка ва тола сифатига таъсири.

( ЎзПИТИ Самарқанд 2003-2005й)

| Нав | Экиш схемаси, кўчат қалин, туп/га | Ҳосилдорлик,ц/га | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | 1-тер-им | 2-тер им | 3-тер им | Жами ,ҳосил ц.г | То-ла чи қ% | фар қи | Пи ши ш. Коэ фти |
| Омад | 60х20-1 | 21,5 | 7,1 | 2,9 | 31,5 | 35,2 | +0,8 | 1,8 |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Омад | 60х15-1 | 19, | 9,5 | 3,8 | 32,3 | 34,4 | - | 1,8 |
| | | | | | | | | |

. Омад, - 60х20-1 -35,2% 60х15-1 да эса 34,4 % 0,8 % гача кўп тола бериши ҳам кузатилди..

Олинган натижалар навлар бир –биридан фарқланиб ўрганилаётган кўчат қалинликлари ҳосилдорлик ва тола сифатларига фарқли таъсир этиши кузатилди. Микроней кўрсаткичида ҳам экиш схемаси 60х20.-1 да 60х15 -1 га нисбатан юқори бўлди.

Демак , энг мақбул кўчат қалинлиги 106000 бўлиб, тола чиқиши 34,4 %, яъни Омад 60х20-1 35,2 % ҳам юқори ҳолатларда бўлди.Ҳосилдорликда юқори кўрсаткичга эга бўлган яна, унинг юқори ҳосилдорлиги кўчат қалинлиги гектарига 60х15-1 схемада атрофида бўлганда эришилди. Тола чиқиши- энг юқори яъни 35,2% ни ташкил этиб, юқоридаги нисбатан 0,8% гача фарқ қилди.

# IV. ТАЖРИБАНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқаришда маҳсулотларнинг таннархи ва сифати шунингдек, пахта етиштиришда маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларининг камайиши катта аҳамиятга эга. Қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни ошиши маҳсулот таннархини пасайишини энг асосий шароитларидан бўлиб, бу ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади.

Пахтачиликда ҳосилдорликни ошириш ҳамма агротехник тадбирларни ўз вақтида ҳамда юқори сифатли қилиб ўтказиш, уруғларни юқори сифатли ҳосилдор навларидан фойдаланиш зарур.

Таннархининг арзонлаштириш ва ҳосилдорликни оширишда юқори сифатли ғўза навларидан фойдаланиш ҳамда ўсимликларни мақбул кўчат қалинлигида парваришлаш катта аҳамиятга эга. Биз ўрганилган вариантларда иқтисодий самарадорлик жадвал маълумотларига асосан қуйидагича бўлган. Пахтани сотиш нархи давлат томонидан белгилаб қўйилган ўртача сотиб олиш нархига тўғри келган.Харажатлар эса, ҳамма харажатларни ҳисоблаш йўли билан топилиб, ғўза парваришлаш учун талаб қилинган бизнес режа асосида агротехник тадбирлар ҳосилни йиғиб териб олишга ўғит ва уруғликнинг қиймати ёқилғи мойлаш материаллари зарур ядахимикатлар техникаларнинг амортизация қиймати ва бошқа ҳаражатлар учун ҳисобланди.

Ўтказилган тажрибанинг иқтисодий самардорлигини аниқлаш учун биз ҳар бир вариантдан териб олинган пахтани навлар бўйича давлатга сотиш баҳоси орқали бир гектар ердан қанча даромад олинганлигини ҳисоблаб чиқардик.

Жадвалдаги маълумотларга қараганда Омад ғўза навида 60х15-1 вариатимизда 32,3 ц пахта етиштириш учун 14ооооо сўм ҳаражат қилинган бўлса уни давлатга сотишдан олинган даромад 1776500 сўмни ташкил қилди. Шу вариантимизда соф даромад 3765000 сўмни рентабеллик даражаси эса 26,9% ни ташкил қилди.

Гектарига 83 минг туп кўчат қолдирилган вариантда31,5 ц пахта етиштириш учун қилинган харажат 1400000 сўмни ташкил қилган бўлса уни

давлатга сотишдан олинган даромад  1732500 сўмни ташкил қилди. Шу вариантимизда соф даромад  332500 сўмни рентабеллик даражаси эса  23,75 %ни ташкил қилди.

.Энг яхши натижа  Омад гўза навида  60х15 -1 схемада экилганда самарадорлик 26,9% ташкил қилди.

Пахтачиликни  ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш кўп жихатдан амалдаги ҳар бир нав учун қўлланилаётган агротехник тадбирларнинг нав учун қанчалик мос, унинг талабига қанчалик монанд жамлигига бо`лиқдир. Бу ўрганган тарзида  натижаларининг кўрсатишича ҳар бир нав экиш схемалари ( 60х15х1 ва 60х20х1) ўзгариши билан кўрсатаётган маълумотлари орасидаги тафовутлар ҳар бир навнинг қанчалик бошқа мухит ҳолатига талабгорлигидан далолат бериб туради. Бунинг учун биз олдимизга қўйган вазифанинг нақадар аҳамиятли эканлиги унинг натижасида агротехник тавсиялар аниқланилса пахтачилик самарадорлигини оширишда олдинга силжишга имконият яратамиз.

Охирги  натижа ҳосилдорлик навларда кўп жиҳатдан ўсимликлар ҳосил органи кўсакларининг пишиб етилишига боғлиқ бўлади..

Шундай қилиб тажрибамиз натижасига кўра ишлаб чиқаришда Омад гўза навларини 106 минг кўчат қалинлигида хўжалик ғўза етиштиришда маълум иқтисодий самарадорликка эришади.

4.1.1 жадвал

Тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги

( ЎзПИТИ Самарқанд 2003-2005й)

| Вариантл | Уму-ми | Ҳос- | Тан | 1ц | Ялпи | Соф | Самар |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ар | й харажатлар, ,сўм | ил дор лик | нархи, 1 ц. | пах-тани сотиш баҳоси сўм | даро мад сўм | фой-да, минг,-сўм ц/г | -адорлик даражаси %. |
| 60х20-1 | | | | | | | |
| Омад | 1400000 | 31,5 | 44444 | 55000 | 1732500 | 332500 | 23,7 |
| 60х15-1 | | | | | | | |
| Омад | 1400000 | 32,3 | 43343 | 55000 | 1776500 | 376500 | 26,9 |
| | | | | | | | |

Охирги натижа ҳосилдорлик навларда кўп жиҳатдан ўсимликлар ҳосил органи кўсакларининг пишиб етилишига боғлиқ бўлади..

Шундай қилиб тажрибамиз натижасига кўра ишлаб чиқаришда Омад гўза навларини 106 минг кўчат қалинлигида хўжалик ғўза етиштиришда маълум иқтисодий самарадорликка эришади.

.

## ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Юқоридаги адабиётлар таҳлили ўрганилган илмий ва амалий тажрибалар олинган маълумотлар асосида қуйидагаи хулоса ва тавсияларни билдираман.

Ғўза ҳосилдорлигини ошириш ёки уни мўтадил ҳолатда сақлаш учун кўзда тутилган барча агротехник тадбирларни ўз вақтида юқори даражада

бажарилишига эришиш.

1.Агротехник тадбирлардан ташқари ғўзадан юқори ҳосил олиш учун ҳар бир экилаётган навнинг биологик талабидан келиб чиқиб, мақбул кўчат қалинлигида экилса, навнинг наслий ҳосилдорлигига эришилади.

2.Кўчат қалинлигини кўчат ўсиб чиққанидан кейин эмас балки чигит экилишидан олдин режалаштириш керак. Чунки нисбатан кам чигит сарфланиши эвазига ҳам мақбул кўчат қалинлигига эришиб, ва юқори сифатли тола олиш мумкин.

3.Кўчат қалинлигини оптималлаштириш учун экиш сеялкаларини тўғри танлаш экиш меъёри чигит тури ва навига қараб тўғри танлаш керак.

4.Ҳозирги кунда Республикамиз олимлари ва илғор тажрибасидан маълумки 60 ва 90 экиш схемаларида чигит сарфи 55-60 кг ўрнига тукли чигитлар ўрнига,туксиз чигитларни аниқ уялаб экиш натижасижа 20-25 кг ҳар бир гектар ҳисобига уруғлик сарфлаб пахта етиштиришда самарадорликга эришилилади.

5.Аниқ уялаб чигит экиш агрегатлари ёрдамида яганалаш учун сарфланадиган қўл меҳнатидан воз кечилиб, эрта ҳосил етиштириш , сифатли ҳосил ҳисобига, ердан фойдаланиш самарадорлиги ҳам кўпайди.

6.Тежаб қолинадиган чигит озиқ-овқат маҳсулотидаги мойнинг арзонлашишига, кунлик ҳаётнинг енгиллашишига олиб келади. Чунки 1 тонна чигитдан 150-200 кг озиқ-овқат учун ишлатиладиган пахта мойи олинади

7.Ғўзанинг Омад нав учун энг мақбул кўчат қалинлиги 106000 туп гектарига қолдирилса экишбоп уруғ ва сифатли тола беради

8.Мақбул кўчат қалинлиги 60х15-1 схемада гектарига ташкил этилса Омад-32,3 центнер, тола чиқиши эса 34,4 % ни ташкил этган.

## **Ишлаб чиқаришга тавсиялар**.

1.Самарқанд вилояти шароити учун Омад ғўза навининг ўрига Оқдарё-6 ғўза навини энг мақбул кўчат қалинлиги учун 100000 ортиқ туп сони бўлганда гектаридан 33,9 центнергача ҳосил тўплай олади деб тавсия қилинган.

2.Ғўза нави учун ҳосилдорлик ва кўчат сони орасидаги боғлиқлик маълум бўлиб, зкиш схемаси 60х15-1 кўчат сонини қолдирилади.

Уруғлик учун 60x15 -1 схемада кўчат қолдиришни тавсия қилинган.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.


1. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суратлари билан ривожланиш ва барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳатлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи рўзномаси. 2014 йил 18 январ №13
2. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суратлари билан ривожланиш ва барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳатлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи рўзномаси. 2014 йил 18 январ №13
3. Каримов И.А.Жаҳон молиявий иқтисодий инқрози, Ўзбекистон шароитида уни бартарф этиш йўллари ва чоралари. Тошкент-“Ўзбекистон ” 2009 15,17,23.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Прездентининг Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такамиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисидаги фармони 2007 Қишлоқ ҳаёти 30 октябр
5. .“Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун”. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессияси Материалларидан 30.08.2002
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2012” йилда пахта навларини янгилаш ва жойлаштириш дастури тўғрисида рўзнома №141 26 декабрТошкент 2012
7. Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси Тошкент 2012
8. .Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат Реестри“Тошкент”„ 2012
9. Акромов О. С-6524 ғўза нави ҳосилдорлигига ўғит меъёрлари ва суғориш усулларининг таъсири. // Ўзбекистон қ/х.Тошкент.2005, №8
10. “Ахмедов Ж Тешаев Ш Мирзажонов К. Ҳолиқов Б Авлиёқулов А Безбородов Г. Ҳасанова Ф Ниёзалиев Б Тиллабеков Б Абдуалимов Ш Исаев С Синдаров О “Ғўзани парваришлаш агротехнологиялари бўйича тавсиялар” 10 бет 2010
11. Азизов Ш.Г Абдурашидова Л.Х “С-6524”, “С-9070”, ва “Фарғона 3 “ навларида кўчат қалинлигининг ғўзанинг ўсиши ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири.”Ғўза ҳосилини ошириш ва пахта сифатини яхшилаш йўллари” (Илмий асарлар) китобида 30-34 бетлар Тошкент 1992
12. Авлиёқулов А. ва бошқалар. “Бухоро -6 ғўза навининг парваришлаш ”. // Пахтачилик .Тошкент,2003.-№5.- Б. 11-12
13. Авлиёқулов А Мамлакатимизнинг шимолий, марказий, жанубий минтақалари иқлими, тупроғИ, мелиоратив, гидрогеологик шароитларида ғўза навлари парваришини илмий асослаш ва амалиётга жорий этиш Деҳқончилик тизимида зироатлардан мўл-ҳосил етиштиришнинг манба ва сув тежовчи технологиялари мавзусидаги халқаро илмий –амалий конференция маърузалари тўплами. Тошкент 2010 310 -312
14. Авлиёқулов А. ва бошқалар. Оқдарё-6 навининг агротадбирлари.. //.Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.Тошкент, 2006.-№ 7-

**15.**Алеев Б., Иброхимов О. “Чигитни экиш яганалаш ва суғоришнинг илғор усуллари” Истиқболли ғўза навлари агротехникаси китобида Тошкент, Меҳнат 1988 .

**16.**Аҳмедов Р. Хасанов Э ва бошқалар. Сара уруғ. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Тошкент, 2006.- №8.-

**17.**Бахромов К. ва бошқалар Ғўза навлари ва уларнинг етиштириш хусусиятлари. Тошкент, 1990

**18.**Бўриев И Ғўза навларининг ҳосилдорлигига кўчат қалинлигига таъсири. //“Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” 2012 №4, 25-бет Тошкент

**19.**Жўраев С., Ш.Намозов Тола чиқиши ва узунлиги юқори донорлар.// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Тошкент, 2007.- № 4-

**20.**Иброҳимов Ғ Нормуҳаммедов Ж Гектардан тўла фойдаланиш .”Илғор тажриба ва прогрессив агротехника” китобида 21-22 бетлар. Тошкент 2006

**21.**Ибрагимов Ш. Ахмедов Г. Тиллабеков Ғўза қатороралариининг навлар ҳосилдорлигига ва толанинг хусусиятига таъсири. Ғўза генетикаси ,селекцияси ва агротехникаси муаммолари Тошкент.1995, Б.56-60

**22.**Имомалиев А.Биологические основ регулирования плодо-образования хлопчатника,“Узбекистон”, 1974.

**23.**Исаев Р ва бошқалар Кўчат сонининг уруғлик пахта ҳосили кўсак йириклиги ва чигит вазнига таъсири.” Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журналида 9 бет №4 Тошкент 2009

**24.**Истомин М. Авлиёқулов А, Хафизов Б.-“Денов” // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 2006 .-№10, 8 бет

**25.**.Қаҳромонов А К, Қаҳҳоров И Т, Норқулов И –Ғўзанинг янги тизмалари ва навларининг табиий ва сунъий шароитларда унувчанлигини таққосий ўрганиш. “Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспектив ее развития” Тошкент 2006

**26.**Козибоев Ш., А.Рашидова Чигит сифатини стандартлаш.// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.Тошкент, 2006.-№1 -

**27.**Кузибаев Ш. Абдуллаев Ф Ғўзанинг ”Ўнкўрғон-1” нави агротехникаси // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.Тошкент, 2010-№8-15 бет.

**28.**Кузибоев Ш.,Амантурдиев А., Исаев Р. Уруглик чигитни экишга тайёрлаш технологияларига агрономик баҳо бериш. // Пахтачилик ва дончилик 2002.-№1 –Б.11-13

**29.**Меднис М.П..“Густота стояния хлопчатника” .Отчет АКЦАС СоюзНИХИ 1953. с. 44.

**30.**Мирахмедов С.М. “Качества волокна и селекция сортов хлопчатника” Тошкент, Меҳнат 1986 .

**31.**Мирзажонов. Қ., Хамроев М, Исаев С Ўғит сув хосил. // Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги Тошкент, 2008 .-№ 7.-

**32.**Муҳаммаджонов М Зокиров А “Ғўза агротехникаси” китобида 334 бет “Меҳнат” Тошкент 1995

**33.**Мухтаров З. АкбердиевА. Кадымов О.Алиев Г. Еxe раз о густота стояния хлопчатника Хлопководство 1985. №4. С. 32,

**34.**Назаров Р, Ибрагимов О Ҳосил замини. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Тошкент, 2006 .№1

**35.**Назаров Р, Хасанова Ф Биринчи ишлов // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 2007 .-№5, 3 бет

**36.**Назаров Р, Ш.Тешаев Хасанова Ф, Пахта етиштиришдаги муҳим тадбирлар. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 2010 №5, -4-5 б

**37.**Назаров Р., Абдалниёзов Б. – Ғўза навлари агротехникаси. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги Тошкент, 2005. №4.-Б. 11

**38.**Назаров Р.С. Нурматов Ш., Якубов М.М.-Яганалаш ва кўчат қалинлиги. “Чигитни плёнка остига экиб, пахта етиштириш технологиясини жорий қилиш истиқболлари” китобида, 9 бет, Т., 2001

**39.**Норқулов Э, М.Тошболтаев Ғўза парвариши: дастлабки агротехник тадбирлар. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 2007.- №4.- 2-3б

**40.**Остонов С. Кўчат қалинлиги.//Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги .Тошкент, 1999.-№

**41.**Собиров М Ҳосилдорликни ошириш резервлари.”Илғор технологиялар асосида” китобида 58-59 бетлар “Меҳнат” Тошкент 1988

**42.**Самандаров Э.Янги нав тадқиқотлари.// Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.

Тошкент,. 2005.№1.Б. 11 .

**43.**Тешаев Ш ва бошқалар –Ғўза ниҳолларини сифатли парваришлаш мўл ҳосил олишга замин ҳозирлайди // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 2012 .-№4, 1 бет

**44.**Тешаев Ш Ж ва бошқалар –Чигитни бир текис, тўлиқ ундириб олиш, яганалаш ва кўчат қалинлиги. “Ғўза ва бошоқли дон навларини жойлаштириш, уруғчилик асослари ва агротехник тадбирлар .Сабзавот, полиз экинлари, картошкачилик, боғдорчилик ва узумчилик соҳасидаги асосий тадбирлар” (ўқув дастури) 5 бет, Тошкент, 2007.

**45.**Тешаев Ш, Жадал технология эртаки, юқори ва сифатли ҳосил гарови . // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 2007 .-№5, 11 б

**46.**Тешаев Ш, Хасанова Ф., Ниёзалиев Б., Синдаров О.Тўлиқ кўчат – мўл ҳосил ва сифатли ҳосил гарови // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 2011 .-№4, 2 бет

**47.**Тожиев ва бошқалар Янги ғўза навларини жойлаштириш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.Тошкент,2003.-№7-,11 бет

**48.**.Чўллиев А Шараффидинов Н “Бухоро-102” навининг мақбул кўчат қалинлиги “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журналида 27 бет №6 Т.2011

**49.**Чўллиев А.К. Кўчат қалинлигининг “Бухоро-102 ” ғўза навини ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири. Магистирлик диссертацияси Тошкент, 2011

**50.**Шайхов Э.Т., Нормухамедов Н., Шлейхер А.И., Азизов Ш.Г.,Лев В.Т., Абдурашидова Пахтачилик Тошкент, Меҳнат, 1990 352 б.

**51.**Холмўминов Ш.Х.«Янги туманлаштиилган ғўза навларида ҳосилдорликни ошириш учун оптимал кўчат қалинлигини аниқлаш Магистлик диссертатсияи Т.2010 56-58б

**52.**Эгамбердиев А,М.Миржўраев, Р.Исаев Навлар агротехнологияси Наманган 77, // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент, 2006.- №6, 8 б

**53.**Юлдашев С.Х. Ибрагимов Г.А. Таиров С.Х. Густота и урожайность хлопчатника Т.1977.

**54.**Юсупов С., А.Ҳайдаров Андижон-36, Андижон-37 ғўза навлари. //

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент,  2006 №6.-9 б

**55.**Юсупов С., А.Ҳайдаров  Истиқболли Андижон-34, Андижон-35 ғўза навлари. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги.-Тошкент,  2008.-  №4- 22-23б

**56.**Якубов М.М ва бошқалар Чигитни  ерта ва тўлиқ ундириб олиш яганалаш ва кўчат қалинлиги. "Пахтачилик" (маъруза матнлари) китобида 56-57 бетлар Тошкент 2004

**57.**Якубжонов О. Схема размешения и минеральное питание хлопчатника. // Хлопководство. Тошкент, 1984. -№4.-Б.37

**58.**. pjost@uga.edu.

**59.**.http://www.engr.utk/edu Bardov, H Davidonswww.engr.utk/edu

**60.**.www.cottonusasouraing.com.  F. Bernards, K. Snapes, D Baskins.

**61.**C Free encyclopedia Wikipedia..

**62.**www.freedoniagroup.com

**63.**http://www.hindu.com

**64.**.Fedier J Agriculfure is Israel / Israel  at fifty 1948-1998 Israel  information. Center 1998 y/Released June 30, 1999

**65.**Kadolph, S.J., Langfold, A.J.: Textiles, 8th edition, Prentice-Hall, 1998

**66.**Free encyclopedia Wikipedia..

**67.**www.freedoniagroup.com

**68.**http://www.hindu.com

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
**Агрономия факультети**

**“Ўсимликшунослик” кафедрасининг**
**май 2014 йилдаги № сонли мажлис баёнидан**

## К Ў Ч И Р М А

**Қатнашдилар:** Кафедра мудири,доцент И.Исраилов
профессор Х.Н.Атабаева,
доцентлар И.Халимов, Р.Рўзметов,
Р.Ишчанов, З.Юлдашева,
Б.Азизов, Ж.Худойқулов,
Катта ўқитувчи Ў.Набиева,
қ.х.ф.номзодлари Б.Хаитов,
.Умарова Н.Умарова,
ассистентлар О.Қаххаров, Ч.Улуғов,
Тоғаева, А.Курбонов, Д.Рахимова,
кабинет мудири А.Шамуқимова

## К У Н Т А Р Т И Б И

1.Агрономия факультети (дала экинлари бўйича) 4- курс талабаларининг битирув малакавий ишлари муҳокамаси

**ЭШИТИЛДИ:** Кафедра мудири, доцент И.Исраилов Агрономия факултьети (дала экинлари бўйича) йўналиши 4 - курс талабаларининг битирув малакавий ишлари мавзулари билан таништирди ва талабаларга битирув ишларининг қисқача мазмуни билан таништириш учун кетма-кет сўз берди.

**СЎЗГА ЧИҚДИ**: 4-46 гурух талабаси Қўшбоқов Тўлқинжон Холдонбек ўғлининг Ғўзанинг “Омад” навининг хосилдорлигига кўчат қалинлигининг таъсири мавзусидаги битирув малакавий ишини қисқача мазмуни билан таништирди.

**Саволлар: 1. ассистент О.Қаххоров** Ko’chat qalinligi necha ming/tup ga qoldirilganda hosildorlik yuqori bo’ladi?
**2.доцент Б.Азизов – O’g’it**lar tasirida hosildorlik necha foizga oshishi mumkin?
3. Доцент Р.Ишчанов 1 ga da nechta ko’chat bo’lishi kerak?
Талаба берилган барча саволларга тўлиқ ва аниқ жавоб берди.

**СЎЗГА ЧИҚДИ:** 1.dotsent R.Ishchanov4-46 гурух талабаси **Қўшбоқов Тўлқинжон Холдонбек ўғлининг** Ғўзанинг “Омад” навининг хосилдорлигига кўчат қалинлигининг таъсири мавзусидаги битирув малакавий иши учун маълумотларни кафедра профессор-ўқитувчиларнинг амалий маслаҳатлари асосида кўп йиллик тажриба натижаларидан, илмий адабиётлардан, журналлардан ва Ziyo net маълумотларидан фойдаланиб, реферат тарзда тўплади ва уларни чуқур таҳлил қилган. Битирув иши Олий таълим талабига тўлиқ жавоб беради. Унинг битирув малакавий ишини Давлат Аттестация комиссиясига тавсия этсак бўлади.

## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

Агрономия факультети 4- курс 46 гурух талабаси **Қўшбоқов Тўлқинжон Холдонбек ўғлининг** Ғўзанинг “Омад” навининг хосилдорлигига кўчат қалинлигининг таъсири мавзусидаги битирув малакавий ишини ҳимоя қилиш учун ДАК га тавсия қилинсин.

Раис: И.Исраилов
Котиба: А.Шамуқимова

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
АГРОНОМИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
ЎСИМЛИКШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Кафедра мудири_____________

И.А.Исраилов
201___йил «____» __________

Агрономия (дала экинлари бўйича) йўналиши

4 курс 4-46 гуруҳ

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ**

**Қўшбоқов Тўлқинжон Холдонбек ўғлининг**

1.**Битирув маликавий ишининг мавзуси** Ғўзанинг “Омад” навининг хосилдорлигига кўчат қалинлигининг таъсири
кафедранинг 2014 йил «____»______________даги №___сонли мажлисида маъқулланган.

2.**Битирув малакавий ишини топшириш муддати:** ________________________________

3.**Битирув малакавий ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар:** Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Презедент фармонлари, қарорлар ва бағишланган адабиётлардан кенг фойдаланилган ва битирув ишини ёзишда ўринли қўллаган

4. **Ҳисоблаш тушунтириш ёзувларининг таркиби** (*ишлаб чиқиладиган масалаларнинг рўйхати*)_ К и р и ш адабиётлар шарҳи асосий қисм

Ғўза навларининг поя баландлиги

Янги ғўза навларида кўчат қалинлигининг ҳосилдорлик ва тола сифатига боғлиқлиги

Омад ғўза навининг кўчат қалинлиги

Биринчи ҳосил шохларининг жойлашиш баландлиги ўсув, ҳосил шохлари ва кўсаклар сони

5.**Жадвал ва чизма ишларининг рўйхати**(*чизмалар рўйхати аниқ кўрсатилади)*_

| |
|---|
| Ғўза навларининг поя баландлиги |
| Янги ғўза навларида кўчат қалинлигининг ҳосилдорлик ва тола сифатига боғлиқлиги |
| Тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги. |

6.**Битирув малакавий ишинингбўлимлари бўйича маслаҳатчилар**

| Бўлим номи | Маслаҳатчилар Ф.И.Ш. | Имзо, сана | |
|---|---|---|---|
| | | Топшириқ берди | Қабул қилди |
| Кириш | R.Ishchanov | Noyabr | |
| Адабиётлар шарҳи | R.Ishchanov | Yanvar | |
| Асосий қисм | R.Ishchanov | Yanvar | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Хусола | R.Ishchanov | Mart | |
| Фойдаланилган адабиётлар. | R.Ishchanov | Yil davomida | |

7. Битирув малакавий ишини бажариш режаси

| Т.р | Битирув малакавий ишини бажариш боск | Бажариш муддати (сана) | Текширувдан ўтганлик белгиси |
|---|---|---|---|
| 1 | К И Р И Ш | Dekabr | |
| 2 | АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ | Fevral | |
| 3 | АСОСИЙ ҚИСМ | Fevral | |
| 4 | Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ва объектлари | Mart | |
| 5 | Омад-ғўза навининг таърифи | Mart | |
| 6 | Омад ғўза навининг кўчат қалинлиги | Mart | |
| 7 | АСОСИЙ ҚИСМ | Mart | |
| 8 | Майса пайдо бўлиши ва ўсимлик қалинлиги | Mart | |
| 9 | Fўза навларининг поя баландлиги | Mart | |
| 10 | Fўза навларида гуллаш ва пишиш муддатларини ўтиши.. | Mart | |
| 11 | Биринчи ҳосил шохларининг жойлашиш баландлиги ўсув, ҳосил шохлари ва кўсаклар сони | Aprel | |
| 12 | Fўза навларининг ҳосилдорлиги | Aprel | |
| 13 | Янги ғўза навларида кўчат қалинлигининг ҳосилдорлик ва тола сифатига боғлиқлиги | May | |
| 14 | Тажрибанинг иқтисодий самарадорлиги. | May | |
| 15 | Иловалар | May | |

раҳбари ___________________________

(имзо) R.Ishchanov

“Топшириқни бажаришга олдим”

_________________________

(Талабанинг имзоси) Қўшбоқов Тўлқинжон Холдонбек ўғли

Топшириқ берилган сана: 201____й

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА**

**ХУЛОСА**

**Битирувчи: Қўшбоқов Тўлқинжон Холдонбек ўғлининг**

**Мавзу:** Fўзанинг “Омад” навининг хосилдорлигига кўчат қалинлигининг таъсири

**1. Бажарилган ишга баҳо:**

Битирув малакавий иши талабга жавоб беради ва бу ишни ДАК га ҳимояга тавсия қилинади.

**2. Ишни бажарувчига баҳо:** Битирувчи талаба талабалар ва факультет жамоаси олдида ўз ўрнига эга. Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти даврида университетда олган назарий ва амалий

билимларини даврий равишда такомиллаштириб бориб ишлаб чиқаришда фойдаланиб ўз фермер хўжалигига раҳбарлик қилади.**Келгусида Қўшбоқов Тўлқинжон Холдонбек ўғли ишлаб чиқаришда етук мутахассис бўлиб ўз соҳасиниг билимдонига айланиб Мустақил** Ўзбекистонимизнинг озиқ- овқатга бўлган талабини қондирувчи етук мутаххасис бўлиб етишишига ишонаман

**3. Умумий хулоса** (*ишнинг топшириққа мослиги, қўйилган талабларга жавоб бериши, ҳимоя қилиш имконияти*Талаба: **Қўшбоқов Тўлқинжон Холдонбек ўғли** ўзининг битирув малакавий ишида ўсимлигидан юқори хосил олишда ўғитлар меъёрини ва экиш муддатларини таъсир этишида олимлар ва мутахассисларни олиб борган тажрибаларини таҳлил қилиб чиқган.

Битирув малакавий ишида талаба Талабанинг Битирув малакавий иши долзарб муаммоларга бағишланган мазмуни ҳажми ва расмийлаштирилганлик даражаси талабларга жавоб беради. Битирув малакавий ишини юқори баҳога баҳолаш мумкин ва давлат аттестация комиссиясининг ҳимоясига тавсия этиш мумкин.Бакалавр академик даражани олишга тавсия қиламан.

Битирув малакавий иши раҳбари

Катта ўқитувчи R.Ishchanov

2014___ йил «__16__» _июнь

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА

ТАҚРИЗ

Битирувчи: **Тошкент Давлат аграр университетининг - Агрономия йўналиши 4-45 гуруҳ талабаси**

**Қўшбоқов Тўлқинжон Холдонбек ўғлининг**

Мавзу: Ғўзанинг “Омад” навининг хосилдорлигига кўчат қалинлигининг таъсири

1. **Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти:** Мамлакатимизда раxтачиликни ривожлантириш долзарб ва бош вазифалардан бири эканлигини раxта етиштирувчи субъектларнинг ўрни, ваколатлари ва вазифалари белгилаб берилган

Раxта ер юзи аҳолиси учун қадимий ва қимматбаҳо экин турларидан бири бўлиб, шароит тақозоси билан турли усулларда экиб етиштирилади.Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам уни қуруқликда, сувга сочиб ҳамда кўчат усулларида экиб етиштириб келинмоқда. Шароит тақозоси билан ҳар бир усулнинг ўз афзалликлари ва камчиликлари мавжуд бўлиб, шоликорлар ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда зарур бўлган кўчат усулда ҳам шоли экиб етиштиради.

2. **Ишнинг мазмунини баҳолаш** Битирув малакавий иш : кириш, адабиётлар шарҳи, асосий

қисм , хулоса ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат
3. **Ишнинг тавсифи ва унинг афзалликлари**: Битирув малакавий ишда Кўчат қалинлиги ва ўғитлаш меъёрини пахта ҳосилига таъсири o'rganilgan
4**. Ишни бажаришда фойдаланилган манбалар ва уларни қўллашда битирувчининг маҳорати:** Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Презедент фармонлари, қарорлар ва бағишланган адабиётлардан кенг фойдаланилган ва битирув ишини ёзишда ўринли қўллаган
5. **Битирувчининг мунозара юритиш қобилиятига баҳо бериш**: Битирувчи билан мунозара юритиш натижасида талабанинг билимли ўз соҳасига қизиқиши намоён бўлди
**6. Хулоса, таклифлар ва далилларнинг асосланганлиги**:Ўзбекистон вилоятлари кўчат усулида экиш муддатлари таҳлил қилиниб , мавзу доирасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган
7. **Ишдаги график ва жадваллар, уларнинг расмийлаштириш даражаси**: Расм ва жадвал маълумотларидан иборатдан
8. **Ишдаги камчиликлар: Битирув малакавий иши айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас**. Ишда айрим стилистик ва орфографик хатолар учрайди. Ушбу камчиликлар битирув малаавий ишнинг мазмунига жиддий таъсир кўрсатмайди
**9. Муаллифнинг қайси таклифини ишлаб чиқаришга тавсия этиш мумкинлиги: шоли кўчатларини муқобил ва самарали**
10. **Битирув иши бўйича умумий хулоса**: Битирув малакавий иши тугалланган бўлиб, ДАК талабига жавоб беради ва ҳимояга лойиқ деб ҳисоблайман. иши

_____________________________ ____________________ _________________________

(Тақризчининг иш жойи) (Имзо) (Ф.И.Ш.)

201____ йил «_____»________________